

Кўшиммиз тонглага мусика кўйса...

6-бет



Ishonch

2008-yil
16-oktabr
№127
(2540)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta * E-mail: ishonch-doverie@mail.ru * Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ракурс

Китоб — биринчи мўъжиза

**Китоб — ақл кайроғи.
Дунё яралибдики, одамзот
халигача ундан яқин, ундан
фойдалироқ дўст топа олган
эмас. Шу боис адабиётшу-
нос, Ўзбекистон Қахрамони
Озод Шарафиддинов
китобни инсоният бунёд
қилган энг буюк етти
мўъжизанинг бири сифати-
да эътироф этади.**

Халқимиз азалдан китобга юксак ҳурмат билан қараган. Ҳатто бир умр сийму зар ичра яшаган бадавлат кишилар, сарой аъёнлари ва подшоҳлар ҳам ноёб кутубхоналарга эга бўлишган ҳамда бу билан фахрланганлар. Бир қарашда ортиқча ишдек туюладиган бу амал орқали улар ўзларини, фарзандларини, авлодларини онгсизлик, боқимандалик аталмиш иллатлардан ҳимоялаганлар.

Ҳозир-чи?! Ҳаётимизга холис кўз билан қарасак, атоқли адиб Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар хошиясидаги битиклар» асаридаги эътироф аччиқ ҳақиқатга айланганига гувоҳ бўламиз: «Бир нарсани ҳеч тунунмайман: китоб ўқийдиганларда пул йўқ, пули кўплар эса китоб ўқимайди».

Қадимги бойлар, амалдорлар бева-бечора, қашшоқ ва етимларга хайр қилиш билан бирга ўз маҳаллаларида қиратхоналар ташкил этишган, борларига баҳоли қудрат маблағ ажратганлар. Улар билан бугунги бойларимиз ўртасидаги фарқ шунда билинади менимча.


Биродарлар, бу нима деган гап ахир?

Қадимдан қолган бир нақл бор: «Нур шарқдандур». Аммо бу кун бу нурни бир қадар заифлашган, хира тусда кўрмоқдаман. Бу нурнинг барқарорлигини таъминлаш учун аввало миллат китоб ўқиши керак. Китобхон миллат ҳар қандай мақсадига эришиши аниқ.

Жамшид НИЁЗОВ



**Лаҳзалар етаклаб
борар йилларни,
Фасллар ўргатар
яшаш сирини.
Бир-бир босиб ўтиб
рангин йўлларни,
Япроқлар сўйлайди
Куз шивирини.**



Анонс



**Дардларимга
дармон
одамлар**

3-БЕТ



**Лоғмоннинг
узуми,
Кўчкакнинг
анжири...**

4-БЕТ



**Зулмат туманин
кечиб...**

5-БЕТ



**Семизликни
қўй кўтаради**

12-БЕТ

НКМК ва Навоий шахри — 50 ёшда

Тўйга тўёна билан

Бундан 50 йил муқаддам асос солинган Навоий шахри эл-юрт фахрига айланган алломалар қадами теккан обод маскандир.

Жорий йилнинг 1 июлида Президентимиз «Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шахрининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳамда уни нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чеккан эди. Юбилейнинг ташкилий ҳайъат аъзолари бир неча бор шахримизда бўлиб, тайёргарлик ишлари билан танишиб, маслаҳатлар беришди.

Қурилиш ишларига тўхталадиган бўлсак, шахарнинг 17-«Б» микрорайонида бошланган 48 хонадонли турар-жой биноси қурилиши тугаллашиб, мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Умид қўғонида янги мактаб ишга тушди.

Шаҳарда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 18 та жойда фавворалар қурилди. Шаҳар ичидаги маршрутларда Самарқандда ишлаб чиқарилган 10 дона «Isuzu» автобуслари қатнай бошлади.

Байрамга тайёргарлик билан боғлиқ ҳар бир хабар, амалга оширилаётган хайрли ишлар матбуот нашрлари орқали ёритилмоқда.

Рустам ФАРМОНОВ,
Навоий шахар ҳокимининг биринчи ўринбосари

Ёшларга ғамхўрлик

Вилоятимиз касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Ёшлар йили» давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Йил бошида белгиланган аксарият тадбирлар жамоа келишувлари ва шартномаларига киритилгани ёш аъзоларга янада кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиш имконини бермоқда.

Ўтган ярим йилда 1400 дан зиёд кам таъминланган ёш оила вакиллари 52 млн. 362 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Фарзандлари икки ёшдан уч ёшгача бўлган бола тарбияси билан шуғулланаётган 238 нафар ёш онага етти миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам ажратилди. Олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган 40 нафар талабанинг 11 млн. 231 минг 300 сўмлик контракт пуллари корхоналар ҳисобидан тўланди. 4 нафар ишчи-хизматчига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши

учун 24 млн. 514 минг сўмлик фоида ссудалар берилди. 190 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига 2 млн. 333 минг сўмлик ўқув қуролларини харид қилиш харажатлари қопланди.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олаётган кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 20 нафар иқтидорли талаба ва ўқувчилари учун касаба уюшмаларининг устама стипендиялари жорий этилди. Бу мақсад учун касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан икки ярим миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ёшлар саломатлигига ҳам

алоҳида эътибор қаратилмоқда. 30 нафар талаба «Хонқа» санаторийсида, 75 талаба ва ишлаётган ёшлар санаторий-профилакторийларда имтиёзли равишда соғломлаштирилди. 6 ёш оилага «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли йўлланма ажратилди.

Кўплаб спорт тадбирлари ҳам ўтказилиб борилмоқда. Фолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари «Ёшлар йили» дастури тадбирлари ижросини таъминлаш, ўз аъзолари ишончини оқлаш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларни давом эттиради.

Ю.САЛАЕВ,
Хоразм вилоят касаба уюшмалари бирлашмасининг бўлими мудири

Одамлар кўнглини овлаб

Ишлаб чиқаришда юксалишга эришмоқчи бўлган ташкилотда албатта инсон омилига эътибор қаратилади. Зотан, жисман соғлом, руҳан тетик кишигина жамиятга, оиласига кўпроқ наф келтириши мумкин.

Тармоқдаги 27 корхона ва ташкилотда бугунги кунда 80 минг нафардан зиёд ишловчилар билан мулоқотларимиз жамоа шартномалари асосида олиб борилди. Мақсад темирйўлчиларга муносиб иш ва турмуш шароитини яратишдир.

Ишчи-ҳодимлар билан бирга пенсионерлар, кам таъминланган хонадонларга ижтимоий кўмак беришни ҳам зиммага олганмиз. Ҳисобимизда 700 нафардан ошiq пенсионер, 250 нафар кам таъминланган оилалар бор. Қийналганларга кўмак кўрсатишнинг турли шаклларида фойдаланаямиз. Масалан, Тоир Абдуллаев хонадони таъмири масаласида муаммоларга дуч келаётганини айтиб ёрдам сўради. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ҳолда унга ёрдам берилди. Тармоқда меҳнат қилган 98 ёшли Қодир Тўраевнинг кўзлари ожиз бўлиб қолди. Касаба уюшмасининг бевосита ёрдами билан у кишининг кўзи Тошкентдаги таниқли жарроҳлар кўмагида операция қилинди. Нуронийнинг кўзига зиё бахш этилди.

Тармоқда меҳнат қилаётган 102 нафар киши Назарбек, 37 нафар ходим Чимён сяхатгоҳларида ҳордиқ чиқаришди. Шундан 10 нафари касаба уюшма ҳисобидан бепул дам олган бўлса, 85 нафари имтиёزلардан фойдаланди.

Муродулла РАҲМОНОВ,
Бухоро минтақавий темирйўл узели ҳудудий касаба уюшма кўмитаси раисининг ўринбосари

«Ёшлар йили» дастури доирасида мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Автомобилчилар шахри Асакада ҳам бу борада талай ибратли ишлар амалга оширилди. Айниқса, автомобил заводида ишлайдиган ёш оила вакиллари бу кўрсатилган ғамхўрликдан жуда мамнун.

Автомобилсозларга кредитлар...

Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир қароридан сўнг бир неча ёш оила имтиёзли кредит ҳисобидан уй-жойи бўлди. «Асакабанк»нинг шахар филиали томонидан биргина шу йилнинг ўзида 33 та ёш оилага 660,3 миллион сўмлик Ипотека кредити ажратилгани фикримиз далилидир. Яна қўллаб оилаларга уй-жой жиҳозлари сотиб олиш учун 35,2 миллион сўм кредит берилди.

— Автомобилсозларнинг ёш оилаларига кўпроқ ипотека кредити ажратганимиз, — дейди «Асакабанк» шахар филиали бошқарувчиси Бобурбек Сатторов. — Жамоада ишлайдиган ёшлар яхшигина маош олишади. Шу боис ҳеч иккиланмасдан уларга кредит ажратишга қарор қилдик. Асосийси, ёш оилалар ҳукуматимиз қароридан мамнун бўлишмоқда. Чунки аҳолиси зич бўлган шахримизда уйли бўлишнинг ўзи катта бахтдир.

Шунингдек, «Миллий банк»нинг Асака филиали томонидан ҳам шу кунгача жами 42 миллион сўмдан зиёд маблағ ёш оилаларга кредит тариқасида ажратилди.

А.ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

«Сирдарётелеком» филиали маъмурияти билан Бирлашган касаба уюшма кўмитаси ўртасида 2008 йилда имзоланган жамоа шартномасининг ярим йиллик ижроси якунлари муҳокама қилинди. Унда республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси Тоҳир Назаржонов ва Сирдарё вилояти ҳудудий бошқарма бошлиғи Муҳаммаджон Бегматовлар иштирок этди.

Даставвал, ушбу жамоа шартномаси шартларининг 2008 йил 1-ярмидаги ижроси натижалари бўйича ўтказилган мониторинг якунлари тўғрисида ахборот берилди. Сўнг филиал бош ҳисобчиси Самаджон Содиков, Сирдарё тумани телекоммуникация боғламаси бош муҳандиси, цех касаба уюшма кўмитаси раиси Р.Норбеков, Гулистон шахар телекоммуникация боғламаси маълумот хизмати оператори Асибе Абдурахмоновалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Маълум бўлдики, жамоа шартномаси 17 бўлим, 169 банддан иборат бўлиб, унинг 2 бандидан бошқаси тўла бажарилган.

Филиал бошлиғи Анвар Ағалиев 2 банднинг бажарилмаганлигига сабаб қилиб, маблағ танқислигини рўқач қилди. Бироқ Т.Назаржонов баҳонанинг асоссизлигини таъкидлаб

— Ҳозирги вақтда «Ўзбектелеком»га 70 фоиз даромадни ўтказиб бориш бекор қилинган, бу кўрсаткич 40 фоизга камайтирилган. Уртадаги 30 фоиз маблағ ҳисобига ушбу бандни бажариш мумкин эди, — деди.

Фақат камчиликлар эмас, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳам санаб ўтилди. Спорт ишлари оқсаётганлиги ҳусусида сўз юритилди.

Пиримқул ДўСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳамкорликга ҳикмат кўп

Нукус шаҳрида 43 та умумтаълим мактаби, 49 та болалар боғчаси, 5 та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият кўрсатади. Айни кунда минглаб ўқувчи, тарбиячилар сабоқ бермоқда. Мактабдан ташқари муассасалар тўғра рақ ва спорт секцияларида 15000 ўқувчи жалб қилинган бўлиб, улар билан 51 нафар устоз-мураббий машғул олиб боради.

Уларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш жамоа келишуви ва шартномаларида ўз аксини топган бўлиб, ушбу меъёрий ҳужжатларда қўйилган талаблар оғинмай амалга оширилишини доимий назоратта олганмиз.

Шаҳар таълим-тарбия муассасаларида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида низом», «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» талабларига қатъий риоя қилинаётганлиги кенг имкониятлар эшикларини очмоқда.

Ўтган давр мобайнида шаҳардаги 42-мактаб биноси янгидан

қурилди, еттитаси қайта реконструкция қилинди. Эндиликда ушбу мактабларда таълим-тарбияни сифатли амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Улар замонавий ўқув жиҳозлари ва лабораториялар, компьютерлар билан таъминланган.

Мактабларни ўқув дарсликлари билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Таҳсиллар ўқувчилар ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ тилларидаги ўқув қўлланмалари билан тўла таъминланганини кўрсатади. Бунда ижара тизимининг жорий қилинганлиги катта аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда кўплаб мактабларимиз ахборот ресурс марказларига эгаллиги таълим жараёнини мунтазам янгилаш, янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш имконини бермоқда. Бу эса ўз навбатида ўқувчи ёшларнинг фанларни тўла ўзлаштиришлари ва хизмат қилмоқда.

Ҳодимларни, жамоаларни рағбатлантириш мақсадида турли-қўриқ танловлар ўтказиб келинмоқда. Дейлик, ўтган йили «Энг куч-

ли педагогик жамоа» кўрик-танловида ғолиб чиққан 1-ўрта мактаб жамоаси республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. «Энг яхши фан ўқувчиси» танлови ғолибларидан ўн саккиз нафари республика босқичида совриндорлар сафидан жой олишга муваффақ бўлди. Улар халқ таълими бўлими ва касаба уюшмамиз томонидан моддий рағбатлантирилди.

Биз соҳа фидойиларини, кам таъминланган ишчи-хизматчиларни меҳнатига яраша рағбатлантириш юзасидан муттасил чоралар кўрмоқдамиз. Вакиллигимизнинг қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлган 38-мактаб ўқувчиси Т.Жумашева, 9-мактаб ўқувчиси З.Туррамбетова, 27-болалар боғчаси ходими С.Сапаровалар шулар жумласидандир.

Ўтган йили 56 аъзога санаторий-курортларда дам олишлари учун йўлланмалар ажратилди. Шунингдек, 40 нафар меҳнат фахрийси соғломлаштирилди. Ёз мавсумида «Ёш авлод» оромгоҳи болалар иштирокида бўлди. Унда уч юзга яқин ёш авлод вакиллари

вақтларини чоғ ўтказдилар. Шу билан бирга соҳа ходимларининг 45 нафар фарзанди Тошкент шаҳридаги оромгоҳларда дам олиб қайтди. Болаларимиз вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шарт-шароитлар яратганмиз. Улар ўртасида фанлар бўйича, санъат, адабиёт ва спорт йўналишларида мунтазам равишда танловлар ташкил қилиш аънамага айланган. Айниқса, «Ватанимни қуйлайман», «Сиз қонунни биласизми?», «Қувноқ стартлар», «Соғломжон-полвонжон» мусобақалари жонли ўтганини таъкидлашни истардим. Ёшлар йили муносабати билан тадбирларимиз кўлами янада кенгайди.

Биз мактабларга, болалар боғчаларига спорт инвентарлари совға қилишни ҳам аънамага айлантирдик. Шу билан бирга спортга соҳа ходимлари йил сайин кенгроқ жалб қилинмоқда.

Р. АБДУРАҲМОНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нукус шаҳар вакили



Матонат

У волидаи мухтарамасини жонидан азиз кўради. Ногиронлигини билдирмай оқ ювиб-оқ тараган онаизори олдида ўзини ҳамиша қарздор деб билади.

Илк шеърини ҳам онасига бағишлаган. Тонггача ором билмай битган мисраларини унга ўқиб беради, мақтовини эшитиб, кўнгли кўтарилди.

Бир кам дунё деганларидек, кимдир соғлом, кимдир ногирон бўлиб дунёга келади. Шунга қарамай бардош билан яшаётган юртдошларимиз борки, уларнинг мислсиз матонатига қойил қоласиз. Элимизнинг ана шундай фарзандларидан бири Қашқадарёнинг Қамаш қиш-

лоғида истиқомат қилувчи, эндигина йигирма беш баҳорни қаршилаган Дилрабо Бобоқуловадир.

Дилрабо тенгқурлари каби қишлоқ кўчаларида, қир-адирларда елиб-югуриб, болалик гаштини суролмади. Мактабда ўқиш насиб этмади. Умрбод тўшакка михлаиб ҳаёт кечиришига тўғри келди. Ота-онаси сеvimли фарзанди учун кўлидан келган ҳамма ишни қилди. Республиканинг тажрибали шифокорларига кўрсатишди. Начора, нафи бўлмади.

Қизни меҳрибон ота-онаси гулдек авайлаб вояга етказишди. Яқинлари ёрдамида ёзиш-чизишни ўрганди. Китобга

меҳр кўйди, кунт ва сабот билан ўқиди. Отаси олиб берган ногиронлик аравачасида борлик нафосатидан, табиат неъматларидан баҳраманд бўлди.

Аллоҳ унга истеедод ато этди. Шеърлар ёза бошлади. Нозик қўллари амрига бўйсунмаган пайти опасига айтиб туйғуларини қоғозга туширди.

Дунёда яхшилар кўп экан. Ҳомийлар ёрдамида «Дилга сизмас дардим баёни» номли китобчаси чоп этилди.

Оҳ қани дарёдай

оқсайди умрим,

Баҳор кўёшидай

боксайди умрим,

Орзу гулларидан

тақсайди умрим,

Ҳайҳот, юрагимда

армонлар яшар...

Бор эди юришга
менинг ҳам ҳаққим,
Дунёни кўришга
менинг ҳам ҳаққим,
Ўртаниб севишга
менинг ҳам ҳаққим,
Ҳайҳот, юрагимда
армонлар яшар...

— Дилрабо Бобоқулова қалбидан отилиб чиққан мисралар дилда ғалаён кўзгайди, — дейди Қамаш туман ижтимоий таъминот бўлимнинг бошлиғи Саодат Ҳамидова. — Гоҳо ўйлаб қоламан: айрим тўрт мучаси соғ, ақли бутун кимсалар умрини бекор ўтказиб, эл-юртга заррача нафи тегмайди. Дилрабо ногирон бўлишига қарамай сабр-тоқат билан эзгуликка, гўзалликка интилиб яшайди.

Ўзбекиона либоси ўзига ярашган Дилрабо ҳақиқатан ҳам малаксиймо қиз. Унинг ногиронлигини билмаган йигитлар устма-уст севиғи изҳор қилиб хатлар йўллашади. Бундай мактублар қамоқда ётган йигитлардан ҳам келиб туради.

— Майли, — деб чуқур тин олади Дилрабо. — Кимгадир фойдам текканидан, билиб-билмай жиноят йўлига кирганларни тарбиялашга ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Яқинда республика телевидениесининг «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувида Д.Бобоқулова ёзган сценарий асосида кўрсатув намойиш этилди. Шундан сўнг томошабинлардан хатлар кела бошлади. Масалан, Олмаликдаги қамоқхонадан Фахриддин деган йигит унга қайта-қайта мактуб йўллаб турибди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Дилрабо Бобоқулованинг «Бир эмас, минг кам дунё» номли китобида шо-

ирнинг изтироб ва армонлари, орзулари ифодасини тогган.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимнинг раҳбари Исмоил Тўхтамишев Дилрабони нафосат тимсоли деб атайди.

Гўзал, сулув қалби, сийрати,
Муҳаббати дилларида жо.
Сўнмагадир асло ғайрати,
Нафосатга тимсол Дилрабо.

Ҳаммани эзгуликни соғиниб яшашга даъват этаётган қашқадарёлик қиз ўзига ёзилган мактубларни тартибга келтириб «Дилрабога дилномалар» деган тўплам тайёрляпти.

Касби туманининг Уйрот қишлоғида Наргиза исми бир қиз яшайди. Эндигина ўн тўққизга кирган қизнинг етмиш хунари бор.

Кўли гул чевар тиккан либослар чиройли ва хушбичимлиги билан ажралиб туради. У тайёрлаган турли-туман пиширик ва салатларни тотиб кўрсангиз, таъми оғзингиздан кетмайди.

Наргиза талантили раққослардек ўйинга тушади. Хиром айлаганда ҳаммани мафтун этади. Рақслари жозибали.

— Қизимнинг бир камчилиги бор, — дейди онаси Иқбол ая қуониб. — Қулоқлари эшитмайди. Лекин у ана шу нуқсонига қарамай қишлоқ ёшлари орасида бекиёс таланти, пазанда ва чеварлиги билан алоҳида эътиборга эга.

Қарши шаҳридаги кар-соқовлар мактабини аъло баҳолар билан тугаллаган Наргиза Ўлжаева эл-юрти учун хизмат қилишга астойдил бел боғлаган.

Тақдир синовларидан чарчамай, юртдошларимиз билан қадамба-қадам бораётган бундай ёшлардан ўрناق олса арзийди.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Очеркимиз қаҳрамони Махмуд Тўқмоқовнинг исми жисмига монанд: гаплари тўқмоқдай, ишлари ботмондай. Суяги меҳнатда қотган Махмуд ака умрининг 35 йилини Мирзачўлни обод қилишга бағишлади.

Ўғил-қизлари ҳаётда ўринларини топиб, ували-жували бўлиб кетишган.

Энди Махмуд ота ҳам туғилиб ўсган Сирдарё туманидаги Малик қишлоғида тенгқурлари билан чойхонани макон тутиб, паловхонтура билан ошно бўлиб юрса бўларди. Тўқмоқов бундай қилмади.

Пенсияга чиққандан кейин ҳам тинчимасди: мулкдорлар сафига кўшилиб, «Малик» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида жаннатмакон боғ яратишга киришди. 2005 йили ташкил этилган «Авесто-Зардўшт» фермер хўжалигининг 20 гектар ерида пахта, 10 гектарида буғдой етиштирди. Қаровсиз қолган 8,5 гектар майдонда боғ яратди. Жорий йилнинг бошида яна 2 гектар ер олиб, қаролизор ташкил қилди. Боғни кенгайттирди. Биноидек жамоа шаклланиб, 1,5 гектарга токнинг ҳусайни, ризамат ота, келинбармоқ навлари қаламча усулида ўтказилди. Токзорга дастлаб бетон устунлар тайёрланиб, тепа қисми симтўр билан ёпилди.

Токнинг новдалари тўр устида ўсиб, барг ёзади, ҳосили эса симнинг тагида қатор садафдек осилиб туради. Бетон устунлар ва тоқлар ҳар йили оқланади. Узоқдан қараган кишига байроқлар ҳилпираётган манзарани эслатади. Асосийси, тоқлар йилда икки марта минерал ва маҳаллий ўғит билан озиклантирилиб, баҳордан қишга қадар 6 марта суғорилади.

Қароли кўчатларининг оралиғи роппароса 4 метрни ташкил қилади. Қаролизорнинг қайси тарафидан қараманг, кўз ўнгингизда бир қаторга тизилган кўчатлар намоян бўлади. Беихтиёр «Мирзачўлда ҳам шундай боғ яратса бўлар экан-да!» деб ўйлайсиз.

Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Ташаббускор Махмуд Тўқмоқов бошчилигида яна бир янгилликка қўл урилди. Қатор ораларига кўкламда олма, беҳи уруғи, гилос, шафтоли, ўрик, қароли данаклари экиб чиқилди. Униб чиққан ниҳоллар кўнгилдагидек парваришланди.

Август ойида кўчатлар сони 60 мингдан ошиб кетди. Келгуси йилнинг кузига бориб

улар сотувга тайёр бўлади. Ҳар туп кўчат 2 минг сўмдан сотилса, 1 гектар боғ орасидан 120 млн. сўм кўшимча даромад қилинади.

Саховатпеша отахон ҳовлисида мевали дарахти бўлмаган ва муҳтож оилаларга совага тариқасида кўчат беради. Агар бу амалиёт бутун Сирдарё вилоятида жорий қилинса, икки йилда ҳамма жой боғ-роғларга бурканади.

Мирзачўл тупроғи — битмас-туганмас бойликлар манбаи. Фақат изланиш керак. Излаган эса имкон топади, изламаган — баҳона. Махмуджон отанинг тажрибаси Мирзачўл шароитида олма кўчатларини уруғдан кўпайтириш мумкинлигини исботлади.


Ҳозир вилоятда бўш ётган ерлар беҳисоб. Тадбиркор Махмуджон Тўқмоқов фақат шуларнинг ўзи билан чекланиб қолмаяпти. Жаннатмакон боғнинг атрофини ғаройиб чаманзорга айлантирди. 65 минг туп анвоий гулларни парваришлади.

Боғнинг бошида кўркам уй қад ростлаб турибди. Ўртада фаввора барпо этилган. Боғ йўлининг икки четига 2400 туп терак ва чинор экилган. Шовуллаб турган бу ниҳоллар икки-уч йилда иморатбон ёғоч бўлади. «Авесто-Зардўшт» фермер хўжалигининг асосий фаолиятига алоҳида қизиқдик. Хўжалик 10 гектар ерда ғалла етиштиради. Бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олинди. Ҳозир 20 гектарлик майдонда пахта териб олинапти. Ҳосилдорликни 35 центнерга етказишни мўлжаллаб туришибди. Орамизда Махмуджон Тўқмоқовдек жонкуярлар бор экан, юртимиз истиқболи янада порлоқ бўлади.



Пиримкул ДЎСТМАМатов,
«Ishonch» мухбири

Шовуллабди

сўлим бозларес



Инсофни



унутиб қўймайлик

Яқинда хизмат тақозоси билан Собир Раҳимов шоҳбекатидан тўрт минг сўмга чипта олиб, қайдасан Жиззах деяр автобусга миндм ва тўрт соатлар чамаси йўл юриб, манзилимга омон-эсон етиб олдим. Жиззах—Тошкент йўналишига ҳам шунча пул, шунча вақт сарфлашимга тўғри келди. Эмон эмас-а? Ҳар ҳолда чидаса бўлади.

Куни кеча эса 1-шаҳар шифохонаси яқинидан «Бирлик» даҳасига етмасдан бир бекат беридаги хонадонда ўтказилаётган тадбирга бордим. Анчагина уриниб қолган «Жигули» ўн-ўн икки дақиқаларда манзилимга етказиб қўйди. Ва мен чўнтак кавлаб...

Аслида чиққан жойимда ҳайдовчи билан икки минг сўмга келишган эдик. Йўл-йўлакай айтган манзилим у йўлагандан анча узоқ эканлигидан сўз очиб, гап орасида бензин нархи ошганлигини шаъма қилиб қўйди.

— Агар билганимда уч мингга ҳам бормасдим, — деди у яна бироз юргач.

Безовта одам одатда сал кизикчонроқ бўлади. Мен ҳам машинадаги соатга қараб, ўзим-

га хос бўлмаган жаҳл билан дедим:

— Шошиб турибман, илтимос, асабга ўйнамай йўлга қаранг!

Билмадим, ҳайдовчи ҳам уйдан қайфияти бузилибми ёки рўзғор ташвишида бир дунё ваъда бериб чиққанми, тилдан «эгов»ини қўймади:

— Бензин нархи ошмаганида ҳам майли эди...

Очиги, кечикмаётган бўлганимда, шартта машинадан тушиб қолардим. Икки оёғим бир этикка тиқилган пайт, нима ҳам қилардим. Шундай бўлса-да:

— Хўроз ҳамма ёқда бир хил кичиради. Манаман деган давлатларда ҳам шу аҳвол. Қолаверса, бензин нархи ошган бўлса, икки юз сўмга ошди, икки бараварга ошгани йўқ-ку, — дея ўзимча унга ниманидир исботлашга тушдим. — Хўш, машинангиз ўн километрга бир литр бензин сарфлайдими?

— Сал кўпроқ ейди, — деди ҳайдовчи қандайдир ишончсиз-

лик билан. — У ён-бу ён бир ярим литрга боради.

— Унда, — дедим баҳс жараёнида миямга келган фикрдан «илҳомланиб», — сизга бир литр бензин 200 сўмга эмас, 300 сўмга тушаётган экан.

— Мен ҳам шуни айтаман-да, — деди ҳайдовчи бирдан жонланиб. — Сиз бўлсангиз...

Баҳсм, баҳс-да! Ўз мушоҳадаларимни тўкиб солдим.

— Борингки, сиз мени ўн километрли жойга олиб кетяпсиз. Лекин аслида унчалик эмаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз, — дедим фикримни исботлашга ўтиб. — Демак, мен келишганимиз икки минг сўмга яна уч юз сўм қўшимиз керак. Майли, сизга бўла қолсин, шошиб турганимда тўхтаганингизни ҳисобга олиб, беш юз сўм қўшдим. Шунда тўғри бўладими?

Ҳайдовчи бир нарсалар деб гудранди:

— Барибир кам-да... Шу тариқа манзилга ҳам етиб

Бозорга бир нарса деб бўлмайди. Бамисоли кўклам ҳавосига ўхшайди. Баъзан кўёшнинг заррин нурлари алангаи оташга айланиб қиздирмоққа бошласа, баъзан мусоффо осмонни қора булутлар қоплаб, шаррос ёмғир жазавага минади. Шунда уст-бошингиз шалаббо бўлмаслиги учун ўзингизни бирон-бир пана жойга ўрасиз. Гоҳи худ, гоҳи беҳуд деб шунга айтсалар керак-да...

Олманинг нархи пасайган бўлса суюниб, помидорнинг нархи кўтарилганидан пешонангиз тиришади. Бу ёқда салкин тушиши билан шира бойлаган ранг-баранг узумлар ўзига оҳанрабодек тортади. Хали картошка-пиёз олишингиз керак. Хуллас, нарх талашиб, торози тўғрилигини зимдан кузатиш билан андармон бўлиб айрим кўнларни қилган бозорлигингиздан димоғингиз чоғ, айрим кўнларни юрак ичра доғ уйга қайтасиз.

Лекин биз қуйида тилга олмоқчи бўлганларимизнинг деҳқон бозорига сира алоқаси йўқ. Шу кеча-кундузда йўлларимизда, тўғрироғи, манзилимизга тезроқ етиб олиш илинжида қўл кўтариб, қўлай ўриндикка бамайлихотир ўрнашиб олганимиз машина соҳибларининг борган сайин инсофдан олислашиб бораётгани ҳусусидадир.

олдик. Ваъдалашган ва йўл-йўлакай талашиб-тортишганимдан келиб чиққан ҳолда учта минг сўмлик узатдим-да:

— Икки ярим минг олиб қолинг, — дедим.

Ҳайдовчи чўнтагига қўл солди-да, бир тахлам пул чиқарди:

— Беш юз сўмлик йўқ экан-ку...

Дарҳақиқат, пулларнинг ҳаммаси 1000 сўмлик эди. Бундай пайтда кечикаётган одам нимаям қиларди. Эшикни ёпдим-да, кўзлаганим эшик олдида меҳмон кутиб турган одамлар томон юриб кетдим.

Бироз ховурдан тушгач ўйлаб қолдим: «Кун бўйи кира қилиб юрган ҳайдовчи йўловчилардан фақат минг сўмлик пул олмагандир-ку! Бу пуллар хойнаҳой санаб, бир чеккали қилиб қўйилган бўлса керак-у, у шунчаки вазият тигизлигидан фойдаланиб қолган».

Ҳар ким қилса ўзига. Ҳеч ким 500 сўм билан бойиб ҳам кетмай-

ди, камбағал ҳам бўлиб қолмайди. Бирок нафси хакалак отиб, ҳар бир қўлай фурсатдан ўз манфаатига «қўшимча томорқа» очиб олишни одат қилганлар инсоф қочган жойда барака ҳам бўлмаслигини гоҳ-гоҳ эслаб турсалар ёмон бўлмасди.

Аслида сўзимиз бошида эслаб ўтганимиз деҳқон бозорларида баъзан нарх кўтарилишига ҳам бир чеккаси айнан шу тоифа ноинсоф ҳайдовчилар сабаб десак, ўйламанки, нақ нишонга урган бўламиз. Халқда «бирники мингга, мингники туманга», деган нақл бор. Мана шунақа бир-биримизни дарёга олиб бориб, суғормай келамиз-да, яна вақт-вақти билан «нега нарх-наво кўтарилиб кетяпти», дея ўз-ўзимизни саволга тутамиз.

Одамлар, биз бир-биримизга хали кўп керак бўламиз. Шундай экан, келинлар, инсофни унутиб қўймайлик!

Зайниддин РИХСИЕВ

Доғмоннинг узуми, Кўчакнинг анжирлари.

Субҳи содиқда узумзор айланганмисиз? Одамнинг қулочи етмайдиган чуқур жўяклар... Ям-яшил ток навдалари орасида сапсарил узумлар қўёш нурларида тиллодек алтирайди... Оғзингизга солсангиз, асалдек тотли.

Ўтган асрнинг бошларида Германиянинг Лейпциг шаҳрида дунёда етиштирилган нозу неъматларнинг халқаро кўргазмаси ўтказилди. Ана шунда ўзбеклар дибридан борган мевалар ичида Доғмоннинг сершира узуми, Кўчакнинг хуштаъм анжир олтун медалга лойик, деб топилди.

Бу иккала кишлок қадимий ва ҳамisha навқирон Насафнинг кўҳна мавзелаарида, шаҳарга жуда яқин жойлашган. Азалдан ўнлаб турдаги мевалари билан машҳур. Бундан қирқ йил муқаддам Ўзбекистон узумчилик ва мевачилик илмий текшириш институтининг ходимаси Г.Ловрова Доғмоннинг Ровот мавзесида янги узум навларини вужудга келтириш бўйича тадқиқотлар олиб борган, сершира, донадор, кўп ҳосил берадиган тоқларни яратган.

— Бир вақтлар ҳар бир доғмонлиқнинг 20—25 сотих узумзори бўлар эди, — дея хотирлайди кишлок оқсоқолларидан Қаландархон Қамаров. — Тоқлар қишда

қўмилар, баҳор келиши билан очилиб, йил бўйи парвариш қилинар эди. Қиш чилласида 2—3 марта қондириб сугорилар, аёзда жўяклар музлаб ётар эди. Қаршининг бозорига қирган харидор Доғмоннинг узумини суриштирарди. Узумлар қўлда тўқилган саватларга солиниб, бозорларга олиб бориларди.

Қаландар отанинг падары бузруквори Қамархон бобо тажрибали боғбон бўлган. Кўп йиллар хўжаликка раҳбарлик қилган Самар Аминов, Асрорхон, Музробхон, Ботирхон, Маъмурхон, Набихон, Қамбархон, Эшонхон, Бўрихон, Исмаат карвон, Рўзи бобо каби қўлигул боғбонларни доғмонлиқлар ҳамон миннатдорлик туйғулари билан эслайдилар. Уларнинг боғига кирсангиз чиққингиз келмас эди.

Кузда катта дошқозонда оҳакли сув қайнатилиб, унга ишқор солиниб пишган узумдан майиз тайёрланар, у томларга, махсус сувалган жойларга ёйилар эди, — дея эслайди кишлок имоми Каримхон Бўриев. — Майиз тайёрлаш жараёни катта бир тўйга ўхшар, унга бола-бақра, хотин-халаж, бутун кишлок аҳли қатнашарди. Уша удумларимиз унутулиб кетди, чамаси...

— Ўзининг бутун умрини боғ-

роғлар яратишга бағишлаган авлодларимиз билан фахрланамиз, — дейди Қарши туманидаги 2-мактаб директори Тошпўлат Қамбаров. — Йиллар ўтиши билан ернинг заҳи кўтарилиб, узумзорлар кескин камайиб кетди. Эндиликда бир вақтлар кишлок тоқзорларида етиштирилган хусайни, маска, келинбармоқ, тўятиши, даройи, қора кишмиш, оқ кишмиш каби узум навлари жуда оз қолди. Узумчиликни ривожлантириш тўғрисида биз бош қотирмасак, буни ким ўйлайди.

Тошпўлат аканинг куйинганича бор. Бугунги кунда хонадонларида юқори ҳосил берадиган ширали узумзорлар қўл билан санарли. Тоқзорларни кўпайтириш учун Президентимизнинг 2006 йил 11 январда қабул қилган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича тажриба, чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида иш юритиш керак.

— Кўчак анжирининг шуҳрати ҳам анча пасайган, — дейди кекса боғбон Шодихон Умаров. — Бунга биринчидан иқлим ўзгариши, ернинг шўри кўтарилиши сабабчи бўлса, иккинчидан ўзимизнинг эътиборсизлик ва лоқайдлигимиздир.

Рабғузийнинг асарида жаннат

меваси ҳисобланган анжирга алоҳида таъриф берилади. Кўчак анжир ҳақиқатдан ҳам беҳишт меваси, инсон учун жуда фойдали, шифобахшлик хусусиятлари бекиёс. Анжир қокиси сут билан қайнатиб ичилса, тумов ва шамоллашни йўқотади. Чаён чаққанда анжир баргининг сути жароҳат устига қўйилса оғриқни олади. Меваси ични тозалайди, сафрони кетказди. Тўйимлигини от гўшти билан тенглаштиришади. Бир вақтлар Кўчакда уйнинг бўйидан ҳам баланд анжирлар бўлар эди.

— Биз авлод-аждодимиз билан анжирнинг орқасидан оила тебратганмиз, — дейди кишлокда кўплаб анжирзорлар яратган 76 ёшли нафақадаги ўқитувчи Муродулла бобо Уроқов. — Бу экин учун аввало унумдор тупроқ, сув, мўътадил ҳаво ва қўёш зарур. Қаламча шаклида олинган кичик кўчатлардан ўстирилган бу экин 2—3 йилда ҳосилга қиради. Кузнинг охирига бориб совуқ уриб кетмаслиги учун қўмилади.

Кекса боғбонларнинг таъкидлашича, анжир етиштиришнинг ўзига хос сир асрори бор. Кўчакнинг

табиати ана шу қимматли экиннинг ривожланиши учун қўлай. Шунинг учун ҳам кўчакликлар асрлар оша анжир ўстириб, уни парваришлаш сирларини фарзандларига, нева-ра-чевараларига ҳам ўргатиб келишган.

Муродулла бобонинг ёши аср билан тенглашган мўъжазгина анжирзори бор. Ота мерос боғида қора анжир, Балх анжир ва сарик анжир ўстирилади. Бир оилани боқишга етадиган бу жаннат мевасини кекса боғбон бола-чақалари билан парвариш қилади. Анжир нафақат хушўр, балки жуда кўп шифобахш хусусиятларга эга тансиқ мева ҳисобланади.

Кейинги пайтда бозорларда Доғмоннинг узуми, Кўчакнинг анжир камайиб кетганлигининг сабаби эътиборсизлик ва боқибегамликдир. Инсон учун фойдали беҳишт меваларини кўпайтириш пайти келмадимикин?!

И. ИСОМИДИНОВ



«Мен»

«ёшлар кетмади»

ТАНЛОВИГА



Зулмат

У
М
А
Н
И
Н
И
Н
Г
К
Е
Ч
Т
Е
Л
И
Ш

Кенг ва узун зал. Тўғрида қандайдир хонанинг эшиксиз ўрни. Шу он ичкаридан танасининг бош қисми эчкисифат аёл чикди-да, уни қўлтигидан олиб ичкарига бошлади, ўзи эса бир зумда қаёққадир гойиб бўлди.

«Ўхху, булар бунча кўп». У хонага кириб, қилт этмай телевизорга кўзларини тикиб ўтирганлар орасидан жой топиб чўкди. Бу ердагилар танасининг бош қисми қайсидир судралиб юрадиган хайвонни эслатувчи файритабий жонзотлар эди. Барчанинг нигоҳи намойиш этилаётган «қизик» сериалда.

Биринчи кун... Сўнг иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи... Бирор кимсанинг ҳатто кимирлаб қўйиш хаёлига ҳам келмас, бу ер гўё телевизорнинг кўкимтир хира нурига чўмган хайкаллар маконига ўхшарди.

«Тавба, наҳотки булар адоғи йўқ воқеани томоша қилиб, шу тахлит қотиб тураверириса? Ортиқ чидай олмайман...»

Бир ойдан бери телевизор кўриб, ҳеч нима тамадди қилмаган ва ҳолдан тояёзган «меҳмон» очлиги сабабмикан кейинги хонада, стол атрофида овқатланаётганлар қаторига қўшилди. Бу ердагилар нусхаси ҳам олдинги хонадагилардан деярли фарқ қилмасди. Стол атрофида овқатланиш қизгин давом этар, улар қанчалик кўп ейишмасин, стол устида таом тугамас, бу ердагилар эса еб тўйишмасди.

Ўтираверишди, еяверишди... Стол атрофида ўтирганлар неча-неча йиллардан бери шу аҳволда ўтиришганидан унинг хабари ҳам йўқ эди. Тўрт ой давом этган «зиёфат»дан сўнг унинг ортиқ тоқати қолмади.

«Тавба, бу хонада ҳам олдинги ҳолат. Наҳотки шу тахлит ўтираверишса, наҳотки тўхтамай таом еяверишса?»

У ҳайрат ва кўркув ичра ўзи билмаган ҳолда кейинги хонага ўтиб қолди. Бу хонада куй-қўшиқ авжида. Танасининг паст қисми кимса, боши эса тўтиқуш бўлган бир нусха келиб, уни даврага тортди. Ҳамма рақсга тушарди. Уйнай-уйнай кўлбеғида мадори қолмаганлар ерда юмалаб ётиб ҳам кимирлашга уринар, аммо булар билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. У ҳам тўдага қўшилиб уйнайверди, уйнайверди, уйнайверди...

Кунлар ҳафталамга, ҳафталамга ойларга уланди. Лекин бу хонада худди кечагидек ўйин-кулги авжида: на тонг отиши, на кун ботиши аҳамиятсиз эди.

Уйнай-уйнай ҳолдан тойган у изига қайтиб бу ердан чиқиб кетмоқчи бўлди, аммо рақсга тушувчилар сони шу қадар кўплиги туфайли уни тобора ўртага суриб боришар, у учун битта йўл — кейинги хонага

Атрофни тобора қоронғулик пардаси чулғаб борар, адоғи йўқ узун йўлдан кетаётган унинг эса манзили кўринмас эди. Ниҳоят, катта кўча торайиб, бурама йўлакка айланди.

У файритабий куч исканжасида йўлка орқали анчагина юриб боргач, қаршисидаги баланд бинони кўриб тўхтади. Зимистонда қаққайиб турган бу иморатга етиб, йўлак ҳам тугади. Миясида: «Ортимга қайтиб кетсамми ёки бинога кирайми? Ичида нима бор экан?», деган фикр тугилди. Бироз ўйлаб тургач, қизиқиш устун келиб ичкарига кирди-ю, ўзини галати хис қилди.

қочиб ўтиш қолганди, ҳўлос. Деворга суяна-суяна бошқа хонага ўтиб борар экан, у орқасидан тўтиқушсимонларнинг чорлаганнамо қичқириғу таъкибларини эшитгандай бўлди.

Бу хонадагилар бурчак-бурчакда галалашиб олишган ва ҳар гуруҳ ўрталарига қўйилган катта қозондан энкайганча нимадир ичишарди. Танасининг ярми тўнғиз, тулки ва шер кўринишида бўлган бу махлуқларнинг кўпи буйнигача қозондаги ичимликка ботиб ётар, бошқаларнинг улар билан зигирчалик ҳам иши йўқ эди.

Бир йиллик рақсдан чарчаб, толиқиб, сувсаб турган у ҳам югуриб бориб қозонга бош суқди: «Бунча ачиққ!»

Қозон тўла ароқни ичаверишди, ичаверишди, ичаверишди...

Боши узра ҳамма нарса гир айланаркан, кўз олдидан ҳали ҳам қаққайганича неча-неча йиллардан бери битта воқеани томоша қилаётган хайкаллар, ҳали ҳануз нафс занжирини бўйнига осиб олиб овқатланаётганлар (улар энди стол усти тўла таом турса-да, таомни эмас, балки бир-бирини еяётган эдилар), бир хил куйга рақсга тушаётган ва ўша қўшиқни кўйлаётган тутиқушсимонлар ҳамда ичкилик ичаётган бадбашара махлуқлар ўта бошлади.

Бирдан ҳамма ёқни қоронғулик қоплади...

Одам кўзини очиб, атрофга боқди: Ҳеч ким йўқ... Хонага назар ташлади: тўрт бурчакда тўрт қозон... Бу ерга гўё бир асрдан буён ҳеч бир жонзот кирмагандек эди. Пўпанак босиб кетган шип бурчаклари, дераза тоқчалари, девор сувоқлари орасидан ёриб чиққан, сарғайиб кетган аллақандай ўтлар ҳамда шипда, оёқ остида ўрмалаб юрган калтакесаклардан бошқа бу хонада ҳеч нимани кўрмади. Зах аралаш, димиқиб кетган хона ҳидидан қўли билан бурнини ёпиб олган Одам ўрнидан туриб, кейинги хонага ўтди.

«Тавба, бир ухлаб турганимча бу ердагилар қаёққа гойиб бўлишди?» Секин юрганча навбатдаги хонага ўтди: «Ё алҳазар, бу ерда ҳам ҳеч зор йўқ, гўё ер ютгандай...»

Стул стуллар завалги ҳолати-

ча турарди.

«Овқатлар қаёққа гойиб бўлди?»

Одам ҳайрат билан зора тош қотган ҳайкалларни кўрсам, дея сўнги хона эшигидан мўралади. Телевизор жойида турар, лекин ҳеч бир тирик жон йўқ эди. Ростдан ҳам барча-барчани ер ютганди.

«Нега мен ҳам ўшалар каби йўқ бўлиб кетмадим? Мен — тирикман, демак, мен одамман!!!»

У ўйга толган кўйи катта узун залга чиқди.

«Тирикмикан?»

Чиқиши билан ҳаёлидан ўтган биринчи фикр шу бўлди ва югуриб хона бурчагида орқасини ўгириб ўтирган аёл ёнига борди. Аёл ҳам худди уни аввалдан кутиб тургандай, ўрнидан кўзгалди.

Одам шу онда ҳайратдан ва миясига келган фикрдан донг қотди: «Ахир, биринчи бор бу бино ичига, худди мана шу залга кирганимда ҳам аёл ҳаммадан айри ҳолда, худди мана шу жойда, шу алфозда ўтирганди-ку! Наҳот унга ўшанда эътибор бермадим?!»

— Бу иморат кейинги авлодни кутмоқда, — аёл айтган илк сўзлар шу бўлди.

Бу ерга келганидан буён бир оғиз ҳам сўз айтмаган Одам ҳам ниҳоят тилга кирди:

— Бошқа бундай авлод дунёга келишини хоҳламайман.


Бошини кўтариб, аёлнинг неча йиллардан буён уни кутиб шу бурчакда ўтирганидан намиқиб, чуриб кетган кўйлагини ва битта ҳам туки қолмаган бошини кўрди. Аёл бу ҳолдан бир оз ийманиб, қўлини кўйлаги ичига тортди: қўллари, ҳатто бутун танаси ҳам яшилсифат тус олган эди. У аёлнинг қўлидан тутиб, бинодан ташқарига — қуёш нурлари жилва қилиб турган мусаффо ҳаво томон етаклади.

Озода ЯХШИБОВА,

УМУ журналистика факультети IV курс талабаси

Иномжон АБДИЕВ.

1984 йили Қарши туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг бакалавр ва магистратура босқичларини тамомлаган. Шеърлари ва ҳажвиялари республика матбуотида эълон қилинган. Ҳозир «Hurriyat» газетасида ишлайди.




Журъат

*Сохта баҳонадан не фойда менга,
Кўнглимдан шубҳа-ю гумон кетмади.
Сен менга тикилдинг, мен эса сенга,
Фиқат бир лаҳзалик журъат етмади.
О, Раббим, ўзингсан ҳар нега қодир,
Ошиқ юрагимни бу қадар тилма.
Бандангга севги бер, лек ундан олдин
Бир ҳовуч журъатдан мосуво қилма.*

Ўжар қиз


Ёшлик чоғи эди, синфдош қизни Бешта дўст бўлмай роса талашдик. Аммо адашибмиз, оппоқ бўлай деб, Юзини совунлаб ювган ҳабашдек. Кўнглини бермади ҳеч биримизга, Ўн бир йил сўзида турди у маҳкам. Кейин эрга тегди бошқа қишлоққа, Йиғлаб қолавердик бешаламиз ҳам. Синфни чангитиб жанжал қилардик, Ёшлик қуёшимиз йиғлаб ботибди. Бироқ ўша ўжар қизнинг дастидан Ҳамон юрагимиз чангиб ётибди. Қайтар дунё экан: у меники деб, Тенгдошлар бўлгандик роса жиққамушт. Бугун ўша қизни ароқхўр эри Бўлар-бўлмасга ҳам дўппослар эмиш. Тўпори дамларим эсимда ҳамон, Ёдимда ёшликнинг илк изтироби. Қандай роҳат эди калтак ейишлар, Қандай ширин эди муштнинг азоби. Гарчи ҳозир унинг фарзандлари бор, Қолмаган бўлса ҳам чиройидан из. Халиям юрагим ўша қизга зор, Халиям ёқади менга ўжар қиз.



«Пичоқ»лар

Миллион йил бўлдиёв, ўшандан буён Унута олмасман ҳеч ушбу чоғни. Ол, бандам, дединг-у, сахарат билан Танамга қададинг икки пичоғни. Осмон тушса ҳамки ерга узилиб, Пичоқлар захмига топилмас малҳам. Бошимни еган чоғ бири чўзилиб, Белимни синдирди иккинчиси ҳам. Шайтон малайлари — қўш таржимонлар, Биттаси занжирбанд, иккинчиси кўр. Шу ожиз ҳолида кўзимни юмиб, Қонимни қайнатиб этишар ҳузур. Гоҳ хурсанд бўламан, гоҳ чекаман гам, Бошимга етади улар бир кун. Миллион йилдан буён ўзгармас сира, Кўҳна табиатнинг эски қонуни. Мухаббат ва нафрат — олов билан сув, Тугилмоқ ва ўлмоқ — осмон билан ер. Ёниб кетаяпман, Парвардигорим, Яратган нарсанга ўзинг инсоф бер.

Сиз қандай тушунасиз?



Миллий қонунчилигимизда ухшаш тушунчалар бўлиб, бир ёки бошқа-бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Буларни чалқаштириб қўяётганлиги боис изоҳ беришни лозим топдик.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар

! Солиқ кодексининг 12-моддасига мувофиқ солиқлар деганда, муайян миқдорда ундириладиган, мунтазам, қайтиб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтирилган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

! Бошқа мажбурий тўловлар деганда, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек, ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқ ёки лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.

Божхона тўловлари ва давлат божи

! Божхона кодексининг 103-моддасига кўра товарлар ва транспорт воситаларини божхона орқали олиб ўтишда ва ушбу кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйдаги тўловлари тўланади:

- бож;
 - акциз солиғи;
 - божхона ҳудудида ва ундан ташқарида қайта ишлаш режимида фойдаланиш билан боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар;
 - божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг маляка аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар;
 - божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими;
 - товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими;
 - товарларни божхона кузатувига олганлик учун божхона йиғими;
 - дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ.
- Қонун ҳужжатларида бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

! Солиқ кодексининг 326-моддасига кўра (янги кодекс қабул қилиниш муносабати билан «Давлат божи тўғрисида»ги қонун кучини йўқотган) давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун мажбурий тўловдир.

Ўзбекистон консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун давлат божи консуллик йиғими тарикасида ундирилади.

Давлат божининг ставкалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ва фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатлар

! «Фуқаролик тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига кўра Ўзбекистон фуқаролиги шахс билан давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий алоқасини белгилайди. Бу алоқа уларнинг ҳуқуқ ва бурчларида ифодаланади.

Ўзбекистонда ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.


Ўзбекистон ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали фуқаролари олдида масъулдир. Ўзбекистон фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон ўз ҳудудида ва унинг ташқарисида фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

! Фуқаролик қонунчилиги эса фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома ва мажбуриятларни, шунингдек, бошқа мулкӣ ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатларни тартибга солади.

? Фарзандим Тошкент тиббиёт академиясининг 5-курсидан шартнома асосида таҳсил олаяпти. Пулини олдиндан тўлаб қўйганмиз. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ошганлиги боис яна қўшимча пул, яъни фарқини тўлайсизлар дейишяпти. Шу тўғрими?

М.РАҲИМОВА,
Фарғона вилояти



! Ҳа, тўғри. Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва тушган маблағларни тақсимлаш тартиби ҳақидаги низомга мувофиқ ўқиш учун тўланадиган ҳақ миқдори Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ёки тарифлар ўзгарганда, ўқишнинг қолган муддати учун ҳақ тўлаш миқдори тегишли равишда ўзгартирилади. Бундай ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

? Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш учун қандай ҳужжатлар асос бўлади?
У. ЖЎЛЛИЕВ,
Муборак тумани

! Амалдаги қонунчилик бўйича текшириш ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар асос бўлади:

- махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;
- назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органнинг режадан ташқари текшириш, жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, текширувчи мансабдорлар таркиби ва текширувни ўтказиш муддати кўрсатилган қарорлари.

? Бир қўшнимиз эрталабгача музика қўйиб, яна бири эса, эрталаб соат бешларда машинасини ўт олдириб тинчлик бермайди. Бундайларга жазо борми?

З. ИВАНОВА,
Тошкент шаҳри

! Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасига кўра тунги вақтда — соат 23.00 дан 6.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда турар-жойларнинг йўлаклари ва эшикларидан, кўчада овози баланд қилиб қўйилган телевизор, радио, магнитофон ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратлардан фойдаланиш, турар-жой бинолари ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмаган ҳолда шовқин чиқарувчи

ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўллангандан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдоридан, мансабдорларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солинади.

МЖТКнинг 246-моддасига мувофиқ ушбу моддада назарда тутилган иш ички ишлар органларига тааллуқлидир.



Қарзлар ундиришмоқда

Ҳаётимизни электрсиз тасаввур этиш қийин. Ишлаб-чиқариш, саноат, ижтимоий ҳаётимизда у қанчалик аҳамиятга эга эканини яхши биламиз. Шу боис барчамиздан ушбу бебаҳо незъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш талаб этилади. Айниқса, электр ҳақини ўз вақтида тўлаш лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, давлат солиқ

органлари зиммасига юридик шахслар фойдаланган электр энергияси ҳақининг тўлиқ тўланишини назорат қилиш ва муддати ўтган қарзларни ундириш вазифаси юклатилган.

Яккасарой туман солиқ инспекцияси ҳудуддаги электр энергиясидан фойдаланувчи юридик шахслар ўртасида юқоридаги қарорнинг бажарилиши юзасидан мунтазам тадбирлар олиб бормоқда. Жорий йилнинг 9 ойида 235,6 млн сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзи бўлган 6 та корхона хўжалик судига берилиб, улар бўйича

қарзни мол-мулк ҳисобидан ундириш ҳақида суднинг буйруғи олинди ва ижро департаментига юборилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида сентябр ойигача 741 минг сўм ундирилди.

Коммунал хизмат ҳақини вақтида тўлаш мақсадида ўтган даврда солиқ инспекцияси ва корхона раҳбарлари иштирокида 5 марта семинар ва учрашувлар ўтказилди.

Отабек САФАРОВ,
Яккасарой туман солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи

TV-SPORT

15.00 Футбол. Премьер-лига. «Спартак» (Москва) - «Зенит» (Санкт-Петербург)...

Душанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Семанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. «Спартак» (Москва) - «Зенит» (Санкт-Петербург)...

Чоршанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Пайшанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Шанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Жума

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Пайшанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Шанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Якшанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Душанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Якшанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Душанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. ЦСКА (Москва) - «Анжар» (Душанба)...

Ishonch

Ishonch TV!

20-26 Октябрь

OZBEKISTON

05.55 Курстутулар дастури. 18.50 «Ассалом, Узбекистон!»...

SPORT

7.00 «Бордер утрос». 18.00 «Тет-а-тет».

ROSSIA

10.50 М/ф «Доктор Айболит». 11.05 Комедия «Свадьба».

TV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари. 08.00 «Сериал «Жасоига ушша»».

YOSHLAR

14.55 «Yoshlar» салони. 15.20 «Умр бахори».

NTV

5.00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ».

PERVYY

4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 «Новости».

TOSHKENT

17.50 Курстутулар дастури. 18.50 «Ассалом, Узбекистон!».

ДУШАНБА

13.00 Другие новости. 13.25 «Понять. Простить».

ТВ-3

07.00 М/ф «Мир Бобби». 08.30 М/с «Черепашки-ниндзя».

ROSSIA

10.50 М/ф «Доктор Айболит». 11.05 Комедия «Свадьба».

TV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари. 08.00 «Сериал «Жасоига ушша»».

YOSHLAR

14.55 «Yoshlar» салони. 15.20 «Умр бахори».

NTV

5.00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ».

PERVYY

4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 «Новости».

TOSHKENT

17.50 Курстутулар дастури. 18.50 «Ассалом, Узбекистон!».

СТС

7.00 «Зна-Юрлова-Войнов». 7.55 «Охотники».

ТВ-3

07.00 М/ф «Мир Бобби». 08.30 М/с «Черепашки-ниндзя».

ROSSIA

10.50 М/ф «Доктор Айболит». 11.05 Комедия «Свадьба».

TV-MARKAZ

07.00 Узбек навалари. 08.00 «Сериал «Жасоига ушша»».

YOSHLAR

14.55 «Yoshlar» салони. 15.20 «Умр бахори».

NTV

5.00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ».

PERVYY

4.00 Телеканал «Доброе утро». 8.00 «Новости».

TOSHKENT

17.50 Курстутулар дастури. 18.50 «Ассалом, Узбекистон!».

Домашний

06.30 Уроки доброты. 06.30 Домашние сказки.

DTV

07.00 «Удаленное утро». 07.30 Музыка.

ОЗВЕКИСТОН

- 05:55 Куръятигулар дастурли...
06:00 «Ассалому, Узбекистон!»
07:00 «Кўлим»
07:05 «Янги тақдир» Т/с
07:45 «Дилуш наволар»
08:00 «Ахборот»
08:35 «Урмуш чорраҳалари»
08:40 «Урмуш чорраҳалари»
09:30 «Газор»
09:35 «Ортам бўйлаб» дасту...

TOSHKENT

- 17:50 Куръятигулар тартиби...
18:05 «Телекўраш-маркет»
18:25 «Тошкент-2200»
18:30 «Полига» ахборот да...

ПЕРВЫЙ

- 8:00 Новости
8:05 Телеканал «Доброе утро»
8:25 «Назад»
8:25 «Назад»
9:25 «Местное время»
10:25 «Контрольная закупка»
11:00 Новости
11:20 «Утренняя сила»

ТВ-3

- 07:00 М/Ф «Мир Бобби»
08:00 М/Ф «Мир Бобби»
08:30 М/Ф «Мир Бобби»
09:00 М/Ф «Мир Бобби»
09:30 М/Ф «Мир Бобби»
10:00 М/Ф «Мир Бобби»

СТС

- 18:00 «Сегодняя»
18:40 «Премьера»
19:40 «Следствие вели...»
20:40 «Беззастенчивый день»
22:00 «Сегодняя»
22:25 «Премьера»
23:20 «Главная дорога»

ОЗВЕКИСТОН

- 05:55 Куръятигулар дастурли...
06:00 «Ассалому, Узбекистон!»
07:00 «Кўлим»
07:05 «Янги тақдир» Т/с
07:45 «Дилуш наволар»
08:00 «Ахборот»
08:35 «Урмуш чорраҳалари»
08:40 «Урмуш чорраҳалари»
09:30 «Газор»
09:35 «Ортам бўйлаб» дасту...

TOSHKENT

- 17:50 Куръятигулар тартиби...
18:05 «Телекўраш-маркет»
18:25 «Тошкент-2200»
18:30 «Полига» ахборот да...

ПЕРВЫЙ

- 8:00 Новости
8:05 Телеканал «Доброе утро»
8:25 «Назад»
8:25 «Назад»
9:25 «Местное время»
10:25 «Контрольная закупка»
11:00 Новости
11:20 «Утренняя сила»

ТВ-3

- 07:00 М/Ф «Мир Бобби»
08:00 М/Ф «Мир Бобби»
08:30 М/Ф «Мир Бобби»
09:00 М/Ф «Мир Бобби»
09:30 М/Ф «Мир Бобби»
10:00 М/Ф «Мир Бобби»

СТС

- 18:00 «Сегодняя»
18:40 «Премьера»
19:40 «Следствие вели...»
20:40 «Беззастенчивый день»
22:00 «Сегодняя»
22:25 «Премьера»
23:20 «Главная дорога»

ОЗВЕКИСТОН

- 05:55 Куръятигулар дастурли...
06:00 «Ассалому, Узбекистон!»
07:00 «Кўлим»
07:05 «Янги тақдир» Т/с
07:45 «Дилуш наволар»
08:00 «Ахборот»
08:35 «Урмуш чорраҳалари»
08:40 «Урмуш чорраҳалари»
09:30 «Газор»
09:35 «Ортам бўйлаб» дасту...

TOSHKENT

- 17:50 Куръятигулар тартиби...
18:05 «Телекўраш-маркет»
18:25 «Тошкент-2200»
18:30 «Полига» ахборот да...

ПЕРВЫЙ


- 8:00 Новости
8:05 Телеканал «Доброе утро»
8:25 «Назад»
8:25 «Назад»
9:25 «Местное время»
10:25 «Контрольная закупка»
11:00 Новости
11:20 «Утренняя сила»

ТВ-3

- 07:00 М/Ф «Мир Бобби»
08:00 М/Ф «Мир Бобби»
08:30 М/Ф «Мир Бобби»
09:00 М/Ф «Мир Бобби»
09:30 М/Ф «Мир Бобби»
10:00 М/Ф «Мир Бобби»

СТС

- 18:00 «Сегодняя»
18:40 «Премьера»
19:40 «Следствие вели...»
20:40 «Беззастенчивый день»
22:00 «Сегодняя»
22:25 «Премьера»
23:20 «Главная дорога»





ЗОРГЕ

ҲАҚИДАГИ УЙДИРМА ВА ҲАҚИҚАТ

кўриб чиқайлик. Сугамо қамқонасига тушиб қолган Зорге бошиданок ўзини ашёвий далил билан қўлга олинган разведкачи эмас, синфий душман ҳибсга олган сиёсий коммунист-арбоб сифатида тутди. Коммунистларнинг эса тергов ва судда ўз эътиқодига хиёнат қилмаслик, сафдошларини сотмаслик, ўрни келиб қолса суд минбаридан коммунистик ғояларни ташвиқот қилиш қуроли сифатида фойдаланиш қонунқоидалари бор эди. Зорге бу қонунқоидаларга қатъий амал қилди. Танланган маз-

(Боши ўтган сонда)
Комил ишонч билан билдирилган, 15 сентябрдан кейин, келгуси йилнинг баҳоригача СССРнинг Узоқ Шарқда япон хуружидан мутлақо холи бўлиши ҳақидаги хабар совет қўмондонлигига муҳим стратегик манёвр – ҳарбий қўшилмаларнинг бир қисмини вақтинча Узоқ Шарқдан гарбга ташлаш имконини берганди. Яхши тайёргарлик кўрган бу дивизиялар 1941 йилнинг куз-кўш ойларида Москва учун бўлган жанглар тақдирини мутлақо ўзгартириб юборди.
Совет қўшинларининг бир қисмини Узоқ Шарқдан Москва йўналишига ташлаш ҳақидаги қарор фақат Зоргедан олинган хабарга асосланиб қабул қилинмаган, бу ўринда бошқа сабаблар ҳам борлигини айтиш керак. Бошқа муҳим омиллардан бири – фронтга жўнатилган қисмларни жойларда ташкил этилган янги бирлашмалар билан алмаштириш имконияти эди. Ҳарбий қисмларнинг Узоқ Шарқдан бошқа жабҳаларга ташлаши Олий бош қўмондоннинг 1941 йил 18 октябрда қабул қилган қарори асосида амалга оширилган. Мазкур қарорга мувофиқ 12 кун мобайнида Москвага учта пилёда, иккита танк дивизияси ташлаши керак эди. Мазкур қарор имзоланадиган кун Кремлда кенгаш чақирилиб, Сталин унга Узоқ Шарқ fronti қўшинлари қўмондони, армия генерали И.Апанасенкони, ВКП(б) Приморе ўлкаси биринчи котиби Н.Пеговларни таклиф этди. Қайд дафтаридаги ёзувларга қараб ҳукм чиқарадиган бўлса, кенгаш қарийб бир ярим соат давом этиб, унда Молотов, Маленков ҳамда СССР ҳарбий денгиз флоти бош қўмондони, адмирал Н.Кузнецовлар иштирок этишган. Мазкур кенгаш ўтаётган пайтда, эҳтимол, Сталиннинг столига Зоргенинг 1941 йил 14 сентябрда йўллаган шифрограммасини ҳам қўйишгандир. Совет разведкаси ветерани, генерал-майор М.Ивановнинг гувоҳлик беришича, Сталин маршал Василевскийга уруш йиллари «Япониядаги ҳарбий разведкамизда шундай бир одам борки, унинг хизматлари корпусга, ҳатто бутун бир армияга тенгдир» деган экан. Бундай юксак баҳо, М.Ивановнинг фикрича, уруш бошланиши билан Сталиннинг Зоргега бўлган ишонсизлиги барҳам топганидан далолатдир.

ПЁРЛ-ХАРБОР ВАЛИНЕЪМАТИ

Совет уруш хуружи бошланган йиллар яна иккита

афсона пайдо бўлди. Фақат СССРда эмас, энди АҚШда тўқилганди бу афсоналар. Ушбу мамлакатни ўша йиллари антисовет жосуспарастлик кайфияти қуршаб олганди. Зоргени совет разведкасининг барча сирларни фож ада олишга қодир бўлган хавф-хатарнинг нечоғли улканлигини одамлар онгига сингдириш бўлган. Матбуотда эълон қилинган мазкур афсоналарга генерал-майор Чарлз Уиллоби бошчилигидаги Америка разведкачилари гуруҳи томонидан Узоқ Шарқдаги коммунистик разведка фаолияти ҳақида тайёрланган махсус маъруза асос қилиб олинган. Маъруза «Зоргенинг жосуслик тури. Узоқ Шарқдаги халқаро жосуслик муҳокамаси» деб аталарди. У кўриб чиқиш учун 1949 йили Америка конгрессига тақдим этилди. Ушбу маъруза материаллари 1951 йили АҚШ вакиллар палатаси ғайриамерика фаолият қўмитасининг Зорге ишининг америкача талқинига оид муҳокамасига асос бўлди. Муаллифларнинг фикрича, Зорге япон агрессиясининг жанубий йўналишини ошқор қилибгина қолмай, Япониянинг АҚШга ҳужум қилиш мuddати, зарбанинг Пёрл-Харборга бериллажани ҳам билиб олган. Бу ҳали ҳола: эмишчи, Зорге бу хабарни Москвага етказган, Москва ўз навбатида бу ҳақда Вашингтонни огоҳлантирган, аммо Америка раҳбарияти бўлгуси хатарга етарлича аҳамият бермаган. Дейлик, журналист О'Даниел «Нью-Йорк дейли ньюс» газетасида, жумладан, бундай деб ёзади: «Зорге 1941 йилнинг октябр ойида Кремлга японлар 60 кун ичида Пёрл-Харборга ҳужум қилмоқчи эканлигини хабар қилди». Бундай миш-мишларнинг бола-лаб кетишида гуруҳ алоқачиси Макс Клаузеннинг қўли борлигини тахмин қилиш мумкин. 1942 йил 8 сентябрда ўтказилган терговда 1943 йилнинг 3 октябрида йўлланган шифрограмма мазмунини баён этаркан, японларнинг дастлабки зарба нуктаси сифатида у АҚШни кўрсатади. Клаузен янглишганми ёки атайлаб шундай қилганми – бугун бир нарса дейиш қийин. Америка разведкачиларининг Зорге гуруҳи устидан олиб борилган тергов ва суд материалларини қидириб топганлари бор гап. Лекин юқорида зикр этилган шифрограмма аслигини улар қўлга кирита


олишмади, шифрограмма орадан ўн йиллар ўтгач эълон қилинди.
Америка разведкачилари тўплаган материалларда Зорге Пёрл-Харбор ҳақида маълумотга эга бўлганини тасдиқловчи далил йўқ. Генерал Уиллоби ҳам буни тан олишга мажбур бўлди.
Ғайриамерикавий фаолиятни ўрганувчи комиссия йиғилишида у, жумладан, шундай деган: «Пёрл-Харборга ҳужум мuddати аниқ бўлса-да, Зорге юборган маълумотда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмайдди. Лекин муҳими бу эмас. Муҳими шундаки, японлар жанубни нишонга олишаётганди, бу ҳаракат АҚШ ва Англия билан тўқнашувга олиб келарди».
Иккинчи афсонани, маълум маънода, ҳақиқатга яқинроқ дейиш мумкин. Бундай талқин тарафдорларининг фикрича, Япониянинг СССРга ҳужумини чип-пакка чиқариб, Зорге айни пайтда Японияни АҚШга қарши гиж-гижлаган. Зорге ростдан ҳам Япониянинг СССРга ҳужумини барбод қилиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилган.
Лекин Зорге ёки Одзакининг Японияни АҚШга «гиж-гижлагани»ни исботловчи бирорта ҳам далил йўқ. Амалий фаолиятида улар кўпроқ ушбу икки мамлакат ўртасидаги зиддият мураккаблигига таянишган. Ҳарбий тўқнашув ростдан ҳам муқаррар бўлиб қолганди.
Далиллар шуни кўрсатаётки, юқоридаги афсонанинг акси ўларок, Зорге ва унинг сафдошлари Совет Иттифоқининг бўлгуси иттифоқчиси АҚШни Япония ҳужумидан огоҳлантиришган. Масалан, Зорге ва унинг сафдоши Бранко Вукелич берган маълумотга асосланиб, «Нью-Йорк гералд трибюн» газетаси муҳбири Жозеф Ньюмен 1941 йил 1 июлда «Япония жанубий денгизларга кўз олайтиришдан воз кечгани йўқ» сарлавҳали мақола эълон қилган. Англиялик тадқиқотчи Роберт Ваймант эса 1995 йили нашр этилган «Сталин разведкачиси Рихард Зорге ва унинг Токио тармоғи» номи китобида ёзади: «Зорге юксак стратегик нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда, гарб демократиясини Япониянинг агрессивия ниятларидан огоҳлантиришни ўз бурчи деб билди. Шу мақсадда у «Гавас» янгликлар агентлиги муҳбири Роберт Гиллонга ҳамда «Гералд трибюн» муҳбири Жозеф Ньюменларга тегишли маълумотларни етказди.
Зорге фақат Москвага эмас, гитлеризмни маҳв этишдан манфаатдор бўлган

Германия нацистларининг барча муҳолифларига маълумот беришга қарор қилган.
Ваймант Зоргенинг Японияни АҚШга гиж-гижлагани ҳақидаги миш-мишларга мутлақо қарши эди. «Уиллоби ва унинг ходимлари, — деб ёзади Ваймант, — Зорге ва Одзакининг фашизмга қарши хизматлари ҳақида лом-мим дейишмади, Совет Иттифоқини Япония ҳужумидан сақлаб, бу хатти-ҳаракатлари билан улар зарбани Пёрл-Харборга йўналтирган эмиш. Аммо бу ёвуз сафсатани исботловчи бирор-бир далил йўқ. Қўлимиздаги барча маълумотлар бу фикрнинг нотўғри эканлигини тасдиқламакда».
ҚўШ АГЕНТМИ?
1991 йили Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кейин Зорге атрофидаги шов-шувлар яна «тирилла» бошлади. Разведкачи ҳақидаги афсоналар совет даврида яхши ниятда тўқиб чиқарилган бўлса, совет давридан кейин тўқилганлари салбий маънога эга. Ўша йиллари совет ҳукуматида тош отиш асосида етук совет разведкачиси ҳам камситмоқчи бўлдилар. Улар СССРда «капта террор» йиллари НКВД архивларида қалашиб қолган Зорге шахсига доир айбномалардан устамонлик билан фойдаланишди. Мазкур архив ҳужжатларининг бири қисми ошқор этилганди. Шу йўсин матбуотда Зоргенинг «қўш агент» бўлганлиги, шўролардан ташқари Германия разведкасига ҳам хизмат қилгани ҳақида мақолалар пайдо бўла бошлади. Зоргенинг Германия томони билан ҳамкорлик қилиб, уларга айрим маълумотларни етказиб туриши ҳақидаги гап-сўзларни истисно қилганда, ушбу иғволарни тасдиқловчи далил йўқ ҳисоби. Советларнинг «босим агентлари» хизмати шу йўсинда баҳолаш ўша йиллари одат тусига кирган шекилли. Танқил совет контрразведкачиси П.Судоплатов «Разведка ва Кремл» хотиралар китобида бу ҳақда очикдан-очик ёзади: «Зорге олий раҳбариятдан немисларнинг Япониядаги ҳарбий разведкаси билан ҳамкорлик қилиш ҳақида кўрсатма олганди. Кўрсатма олишга олганди-ю, шубҳа остига тушиб қолган, чунки бу тоифадаги мутахассисларга ишонимас, барча хизматларда қайта-қайта текширувдан ўтказишарди».
МДУ доценти В.Захаров ҳам «Молодая гвардия» журналининг 10-сонида «Чип-пакка чиққан афсона» («Ста-

лин Зоргега ишонганда») сарлавҳали мақола эълон қилиб, Зоргени обрўсизлантиришга «яхшигина» ҳисса қўшди. Унинг фикрича, ўзи билиб-билмай Москвага маълум уруш хабарини (бир эмас, бир неча марта!) етказувчи канал вазифасини бажарган бўлса-да, Зорге «герман дезинформатори» эмиш. Зоргенинг собиқ Совет Иттифоқидаги бошқа муҳолифларидан фарқли ўларок, у айбловларини ўзи тўқиб чиқарган сафсаталар билан исботлашга уринди. Ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган бу сафсаталарни асослаш учун у Зоргенинг Германиянинг Токиодаги элчиси ва ҳарбий атташеси билан ўзаро муносабатларини рўқач қилди. Захаровнинг фикрича, Зоргенинг ўзи маълумот олмаган, Германия топширигига биноан элчи ҳамда атташе берган ёлгон маълумотларни Москвага етказиб турган. Зорге шунчаки хабарқаш эмасди. У совет ҳарбий разведкасининг Германия элчихонасидаги парда-орти шахси, элчихонанинг «бош мия маркази» аъзоси бўлган. Захаров буни билмаган ёки билишни истамеган.
Тадқиқотчи И.Бунич Зоргенинг «немис дезинформатори» бўлганлиги ҳақидаги афсонани қўллаб-қувватламоқчи бўлди. «Чақмоқ» операцияси: мустабидларнинг қонли найранглари» китобида у Зоргени ҳеч бир асосиз «немисларнинг ёлгон маълумот етказувчи» канали сифатида таърифлашга уринди. Китобда, жумладан, шундай хайратомуз гапларни учратиш мумкин: «Зорге НКВД ҳамда Валтер Шелленберг хизматида бўлган қўш агент сифатида 1938 йилдаёқ фож этилганди». Зоргени ким фож этгани, нега у совет ҳарбий разведкасига эмас, НКВДга хизмат қилгани жумбоқлигича қолди. И.Бунич Зоргенинг инглиз разведкасига хизмат қилгани ҳақидаги даъвосига ҳам изоҳ бермайдди.
Яна икки оғиз Судоплатовнинг Зоргега қўйган айбловлари ҳақида. Бу гап ҳибсга олишгандан кейин Зоргенинг тергов ва суд жараёнидаги хатти-ҳаракатларига тааллуқли. Юқорида эслатилган «Разведка ва Кремл» китобида Судоплатов ёзади: «У (Зорге) совет разведкасининг бош йўриқномасига шак келтирди. Яъни, у қандай кўринишда бўлмасин, Совет Иттифоқи фойдасига жосуслик қилганини тан олмаслиги керак эди».
Келинг, шу фикрга Зоргенинг ўз муносабатини

кур йўл, бундан ташқари, советларнинг Япониядаги разведка тармоғи фож этилиши эҳтимолини камайтирарди. Бу усул унга бош мақсадни хаспўшлаш имконини ҳам берарди: Япония ва Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳарбий тўқнашувнинг олдини олмоқчи эдим, тамом-вассалом. Зорге шундай қилдики, хўжакўрсинга бўлса ҳам у бошқарган гуруҳ ишини чет эл разведкаси фаолияти билан шуғулланувчи ҳарбий жандармерия (кэмпейтай) эмас, мамлакат ичкарисида фаол коммунистик ҳаракатга қарши курашувчи махсус полиция (тоқко) кўрадиган бўлди.
Шуниси қизиқки, «Рихард Зоргега доир архив материаллари»да Зоргенинг «Совет ҳарбий разведкаси бош йўриқномаларига шак келтиргани» ҳақида айблов йўқ. КГБ раисининг ўринбосари Н.Захаров 1964 йил 21 ноябрда имзо чеккан ушбу далолатнома Зорге шахсига бирмунча аниқлик киритади. Бу далолатнома бош штаб разведка бошқармаси комиссиясининг Зоргени оқлаш ҳақидаги хулосаларига илова қилинган.
Хулосалар бугун тадқиқотчилар учун ишончли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Манбаларда Зоргенинг хатти-ҳаракати қуйидагича изоҳланади: «Матбуотда эълон қилинган япон материалларидан аён бўладикки, Зорге судда ўзини собит, мардона тутган. Рад этиб бўлмайдиган далиллар билан разведкачилик фаолияти фож этилган Зорге айбни ўзига олиб, ёрдамчилари ва агентларини қутқариш учун қўлидан келган барча ишни қилди».
Юқорида зикр этилган «Хулоса»да Зорге шахсига доир жуда кўпгаб архив ҳужжатлари жамланган. Таҳлиллар якуни эса ўта жиддий ва муҳим: «У (Зорге) Германия элчихонасидаги фаолиятидан элчихонадаги мавқеини мустаҳкамлашда усталик билан фойдаланган, алал-оқибат совет разведкаси учун маълумот тўплашга эришган. Шундай қилиб, Зоргенинг Токиодаги информацион фаолияти Совет Иттифоқи манфаатларига зиён етказди дейишга ҳеч қандай асос йўқ».
Умумий хулоса эса қуйидагича: «Шундай қилиб, КГБ архив материаллари Зоргенинг шубҳали шахс эканлигини тасдиқламайди. Унинг хонлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас!». «Совершенно секретно» журнали ҳамда интернет хабарлари асосида **Р.МУХАММАДИЕВ** тайёрлади

СЕМИЗЛИКНИ




СЕМИЗЛИК ЖИНСГА ВА ЁШГА БОГЛИҚМИ?

Аёлларда семизлик кўпроқ кеч етилиш ва эрта қариллик даврида учрайди, эркекларда эса эртaroқ бошланади. Агар аёллар ва эркеклар сони аҳоли орасида бирдай бўлса, семизлик аёлларда 23,4 фоиз, эркекларда 6,48 фоиз учраб экан. Нега аёлларда кўп? Бунга сабаб уларнинг кўпроқ уйда бўлиши, ишламаслиги, бола туққандан сўнг боқиши ва ҳоказо. Ушбу омиллар билан бирга туҳумдон ишлаб чиқарадиган гормонлар таъсири, кўп марта ҳомиладор бўлиш, климакс даври ва аёлларга хос касалликлар катта аҳамиятга эга.

ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Семизлик шундай метаболик ва клиник ҳолатки, у умрни қисқартиради. Семизлик 25 ёшдан кейин кўпаяди. 70 фоиздан кўп ҳолларда семиз кишиларнинг ўлими қон айланиш тизимидаги касалликлар оқибатида рўй беради. Бир қатор изланишлар тана вазнининг 13,6 килога ошиши умрни 26 фоиз қисқартиришини кўрсатди.



Семизлик — биологик ҳолат. Миср, грек, рим ва хинд маданиятига оид асарларда семизлик салбий ҳолат сифатида тасвирланган. У нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо эканлиги қайд этилган. Қадимги Спарта давлатида ёш эркеклар хушбичим ва урушга шай бўлиб туриши талаб қилинган. Агар жангчи семириб кетса, шаҳардан ҳайдалган. Қотма қотма Рим ва Афинада ҳар бир йигит учун орзу бўлган. Шунга қарамай қадимги Римда семиз одамлар кўп эди, улардан бири машҳур шоир ва нотик Горацийдир. Семизликни оддий халқ тилида ёғ босиш десак тўғри бўлади. Тана ўртача вазнининг 10 фоиз ошиши семизлик саналади. АҚШда аҳолининг тўртдан бир қисмида тана вазни ортқидир. Россияда семизлик катталар ўртасида 24 фоизни ташкил қилади.

ИРСИЯТ

XVIII асрдан бошлаб чоп этилган қатор илмий мақола-ларда семизлик ирсиятга боғлиқлиги таъкидланган. Бир-тухумли эгизакларнинг вазни кўпинча бирдай бўлиб, атроф-муҳит таъсирига бўйсунмайди. Эътибор берган бўлсангиз, она-ю қизнинг тана тузилиши ҳам, семизлиги ҳам бир-бирига жуда ўхшайди. Ирсият аёлларга таъсири тез ўтказилади. Қиз бола қанча жисмоний иш қилмасин, вақти келиб онасига ўхшаб бақалоқ бўлиб кетади. Шундай қизлар текшириб кўрилганда 80 фоизнинг ота-онаси семиз бўлганлиги аниқланди. Семизлик иккига бўлинади: андроидал, гиноидал. Биринчи турида семизлик тананинг юқори қисми — бўйин, кўкрак, икки қўл, орқа томонда кўп бўлади. Иккинчисида ёғ тананинг пастки қисми: бел, оёқларда кўп тўпланади.

ЖИГАР ВА ЎТ ПУФАГИ

Тиббиёт маълумотлари бўйича семиз одамларда жигар катталашади. Жигар капсуласи, бўлақлари орасида ёғ тўқималари кўпайиши кузатилади. Бу ўзгаришлар ушбу аъзонинг фаолиятини бузади ва орқага қайтмай диган ўзгаришларга олиб келади. Жигарнинг кучли ўзгариши қондаги холестерин миқдорини ошириб юборади. Натижада, пигмент моддаларни чиқариб ташлаш хусусияти бузилади. Семизликда жигар паренхимаси шикастланганда қон зардобиди темир моддаси камайиши кузатилади.

Агар бемор даволанмаса, эндокринолог назоратида бўлмаса жигар циррози ривожланади.

Худди шундай ўзгаришлар ўт пуфагида ҳам рўй беради. Секин-аста унинг фаолияти бузилиб, суоқлик қийинроқ чиқа бошлайди ва шу сабабли қум тўпланади. Вақт ўтган сайин қум зарралари жипслашиб тошга айланади. Бу ўнг биқинда қаттиқ оғриқ пайдо бўлишига олиб келади, овқат яхши ҳазм бўлмайди, кўнгил айнийди.

ТЕЛЕВИЗОРНИНГ САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ

Семизликка олиб келадиган асосий омиллардан бири телевизордир. Сериалларнинг кетма-кет берилиши одамларни телевизор олдида михлаб қўяди. Айниқса, болалар ҳар куни 6-10 соат телевизор олдида кетмайдилар. Ҳатто дистанцион бошқариш ускуналари инсоннинг ўтирган жойидан турмаслигига сабаб бўлади.

Камҳаракатлик эса умрни қисқартиради. Таққослаш учун маълумот: далада яшайдиган қўён ўртача 15 йил, қафасда боқилаётган қўён 5 йил яшайди.

АРТЕРИОСКЛЕРОЗ

Озғин, қотма одамларга қараганда семизларнинг умри қисқадир. Уртача вазндаги одамларга қараганда семизларда артериосклероз 3-4 баробар кўп учрайди.

Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, семиз одамларда юрак артериосклеротик ўзгаришлари 40 фоизни ташкил қилади.

Семизлик артериал гипертониянинг оғир турлари билан бирга кечиши ай-

КЎЙ КЎТАРАДИ

ЮРАК ШИКАСТЛАНИШИ

Юрак-томир системасининг шикастланиши, биринчи навбатда миокард инфаркти семиз беморлар орасида 50-80 фоиз ҳолларда ўлимга сабаб бўлади. Сўнгги 3-5 йилда семизликка эпидемия сифатида қаралаёпти.

Семизликда ёғ тўқималари перикардиал жойларда, ўнг қоринчада ва юрак учиди кўпайиб кетади. Шу билан бирга юрак мушаклари толалари орасида ёғ сақловчи хужайралар сони кўпая бошлайди. Юракдаги ёғ захираси кўпаяди. Юрак мушакларининг катталашини тана оғирлигига мутаносибдир.

Биз 100 нафар семиз беморни кузатганимизда, уларда доимий чарчаш — 86, жисмоний машқни хоҳламаслик ва тез дам олиш — 62, юракнинг тез уриши — 60, кичик жисмоний ҳаракатда ҳаллослаб қолиш — 37, бошогриқ ва бош айланиши, мигрен — 82 фоизни ташкил қилди.



Вазни 450 килограмм бўлган мексикалик бу аёл яқинда шифохонага етолмай вафот этди.

ЎПКА ШИКАСТЛАНИШИ

Ўпка тизимининг бузилиши семиз беморлар жисмоний ҳаракат қилганда ҳансирашида кўринади. Ҳансираш кўкрак қафаси кенгайишининг ёмонлашиши ва ўпка фаолиятининг бузилиши туфайли пайдо бўлади. Газ алмашинуви бузилиб, охири нафас етишмаслиги даражасигача етиб боради. Бундай ҳолат Пиквик синдроми деб аталади.

Бу синдром жуда семиз беморларда кузатилиб, доимий ухлаб қолиш, мушакларнинг қалтираши, юракнинг ўнг қоринчаси катталашини, кейинчалик қон айланиши етишмовчилигининг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Бундай ҳолатда кўпинча қон кислородга тўймаслиги аниқланган.

КАМҲАРАКАТЛИК

Сўнгги пайларда транспорт хизмати яхшиланганлиги боис одамларнинг пиёда юриши камайди. Мисол учун бир бекатга етиб олиш учун 10 дақиқа автобус кутиб тураман, ваҳоланки, шу вақтда масофани пиёда босиб ўтсак ҳам бўлар эди. Бу соғлигимизга ҳам яхши таъсир кўрсатади. Камҳаракатлик эса семизликка сабаб бўлади.

ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Семизлик хавфи бор одам биринчи навбатда ўз поликлиникасида эндокринолог маслаҳатини олиши керак. Бунда шифокор семизликка қарши иштакани камайтирайдиган дори-ларни ёзиб беради, сиз унинг кўрсатмаларини тўлиқ бажаришингиз зарур.

Кўпчилик аёллар семизликка қарши курашнинг энг осон йўли кам овқат ейиш ёки оч юриш деб ўйлашади. Бу хато. Чунки илмий изланишлар шуни кўрсатдики, очлик эълон қилган кишининг жигар ва юрак фаолиятига зарар етади. Шунинг учун бу даво усули қўлланмайди.

Семиришдан азоб чекиб юрганларга маслаҳатимиз шундай: кўп овқат еманг. Кечқурун таом

истеъмол қилманг. Шуни билин-гки, ҳар куни 90 ккал кўп калорияга эга бўлсангиз, 5 йилдан сўнг вазнингиз 18 кг ортади.

Ўзбек оилаларида илгаридан ҳайвон ёғи истеъмол қилинади. Норма бўйича биз 80 грамм ёғни ишлатишимиз керак, ҳаётда 132-140 граммга тўғри келади. Бу соғлиқ учун хавфлидир.

Энг самарали даво усули калорияси чекланган таом рационини қўллашдан иборат. Истеъмол қилинадиган овқат калорияси анча паст (1800-2000 ккал) бўлиши лозим. Шундагина организмдаги ёғлар парчаланиб, ор-тиқча оғирлик йўқолади. Таомлар таркибиди углеводлар кам бўлиб, оксил ва витаминлар кўп бўлиши, овқатни доим ўсимлик ёғида пи-ширган маъкул. Ширинликларни

(шакар, мураббо, асал) кўп истеъмол қиламанг. Углеводларга бой ичимликлар (фанта, кока-кола, спрайт) семизларга ман этилади.

Ҳар куни овқат билан бирга сабзи, бодринг ва қатик истеъмол қилиш, қора нон ейиш мақсадга мувофиқ.

Ҳафтада икки марта парҳез қилиш тавсия этилади, бунда 1,5 кг кўк олмани бешга бўлиб фақат шу мевани истеъмол қилинг. Иккинчи тип — 1,5-2 кг. қарам 5 га бўлинади ва ҳоказо. Бундан бошқа таомларни синчиклаб кўриб, ёғсиз ва юқорида айтганимиздек 0,5 порция ейиш керак. Эслатиб ўтамиз, бу 1-2 кун ёки 1-2 ҳафта эмас, узоқ муддатли даволаш усулидир. Бунини қўллаш учун бор куч, иродангиз-

ни ишга солишингиз керак. Сизга парҳезли шўрвани тавсия қиламанг, бу таомни кўп беморларда қўллаб яхши натижаларга эришганмиз. Бунинг учун 8 та ўртача пиёзни арчиб, майда тўғрайсиз. 5 та помидорни бўласиз, 2 та болгар қалампирини, 1 кг қарамни ҳам майда тўғрайсиз, ҳаммасини ара-лаштириб эмалли каструлкага 2 литр сув билан солиб газга қўясиз. Буларга қўшимча қилиб 1 боғ селдерей, 1 боғ ўкроп, туз соласиз. Сув қайнаб чиққандан кейин 40 дақиқа пиширасиз. Бу шўрвани ҳафтада икки марта истеъмол қилинг, шўрва тайёр-лаган кунингиз бошқа овқат емайсиз. Бу бир ҳафтада 1,5-2 кг ортиқча вазни йўқотишга ёрдам беради.

ДАВОЛАШ МАШҚЛАРИ

Семизликни даволашда бадантарбия муҳим рол ўйнайди.

Даволаш машқларини ҳар куни 2-3 км пиёда юришдан бошлаш керак. Бир ҳафтадан сўнг масофа узайтирилади. Шу тариқа организмни чинқитириб олганингиздан сўнг спорт тўғрақларига қатнаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир бадантарбия хурсандчилиги билан ўтгани маъкул. Озиш учун парҳез қилаётган беморлар тез-тез эндокринолог билан маслаҳатлашиши зарур. Семириб кетмай десангиз, муттасил ҳаракатда бўлинг.

Тоҳир ИБРОХИМОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор



Раҳмат сизга, муаллим...

Кўлимга тутқазиб зийё қаламин, Етақлаб кўрсатган билим масканин, Сиздан олдиқ бизлар дастлабки таълим — Минг бора ташаккур, сизга муаллим. Эзгу йўлга бошлаб қилган насиҳат, Ҳар сўзидан томар меҳру-муҳаббат, Танингиздан асло кетмасин сихат — Меҳрибон, бағри кенг азиз муаллим.

Азизбек НОРОВ, Қарши шаҳри



Болаликдан қолган хотира тошга ўйилгандек мустаҳкам бўлади. Ҳар гал ҳовлимиз чеккасидаги деворга қоқилган қозикқа кўзим тушганда шуни ўйлайман. Отам раҳматли (Фатхулла Пўлатов)га 1950-йилларнинг охирида дўстларидан бири наслдор бўрибосар кучукча совға қилган, у киши меҳр қўйиб Йўлбарс деб номлаб, астойдил парваришлаган экан. Одатда итлар ҳар кимнинг қўлидан озикланиб кетаверади. Йўлбарс эса фақат отам берган овқатни еб, бегона у ёқда турсин, оила аъзолари, қариндош-уруғлар илинган нарсаларга қараб ҳам қўймаз экан.

Йўлбарснинг ҳайбати, ғоят сезгирлиги, жасурлиги, вафодорлиги, деярли вовулламаслиги, вазминлик билан ўзини туттиши овоза бўлиб кетиб, бир чўпон катта-катта ўнта қўй эвазига харидор бўлибди. Отам итнинг садоқатини юксак қадрлаб, таклифни рад этган. Йўлбарс ҳар қанча важоҳатли бўлмасин, ҳеч кимга озор бермаган, ортиқча ҳуриб, шовқин солмаган. Эшикни тақиллатмасдан ҳовлига кириб келган нотаниш одамни бесўроқ кирганлиги учун орқа оёқларига таяниб, олди оёқлари билан қучоқлаб олар, отам «Йўлбарс, қўйиб юбор» демагунча ушлаб туравераркан. Лекин қизиги шундаки, отамнинг уйимизга келган дўстларига ит ҳеч қачон даф қилмаган.

Халқимизда «Яхши ит ўлигини кўрсатмайди» деган нақл бор. Йўлбарс ҳам вақт ўтиб қаригач, овқатга қарамай қўйибди. Шунда отам оиламизни астойдил кўриқлаган, дўстга айланган, эгасига фақат эзгулик тилаган жониворни занжирдан бўшатиб, эркинлик берибди. Йўлбарс отамга, барча оила аъзоларига, уйимизга бир-бир қараб, секин-аста, вазминлик билан юриб кўздан ғойиб бўлган экан. Лекин итнинг бирон жойда хор бўлиб ўлганини,

килишларича, бир мўмин ҳалол меҳнати эвазига топган маблағини сарфлаб ҳаж сафарига отланибди. Пиёда йўл босиб, чўлнинг ярмидан ўтибди, сафар машаққати тобора камайиб, мақсадига етишайтган бир вақтда сувсиз-

аъзолари, қўни-қўшнилар уни хожи бўлгани билан табриклашибди. Мусофир ҳажга бориш, ҳаж амалларини бажариш насиб этмаганини барчага тушунтириб, чўлда бўлган воқеани айтиб берибди.

Лекин дўстлари ҳаж маросимида бўлганларида унинг суратида бир инсоннинг иштирок этганини, зиёрати қабул бўлганини айтибдилар. Маҳалланинг табаррук имоми эса чўлдаги воқеа Яратганининг бир синови эканлигини, аксинча, итга сув бермай бепарво ўтиб



Девордаги қозик

бирон махлуққа ем бўлганини ҳеч ким кўрмаган. Бундай ҳолларда қадрини билган зотдор итлар ўзини оқар сувларга ташлашини чўпонлардан эшитганман. Йўлбарсдан ёрқин хотира сифатида у боғлаб қўйилган девордаги қозик ҳамон сақланиб қолган. Отамга тақлид қилиб мен ҳам бир нечта ит боқиб кўрдим. Отам эса «қўй, ўғлим, овора бўлма, Йўлбарсдек ит кам учрайди. Бокқанга яраша Йўлбарсдек итни боқсанг арзийди. Бундай итлар уйга файз бағишлайди, бировга зарари ҳам тегмайди. Ўзинг ҳам шундай ит боқайтганиндан ҳузур қиласан» дер эди.

Ҳеч нарса жавобсиз қолмаганидек, жониворга кўрсатилган меҳр ҳам, бемехрлик ҳам албатта қайтади. Ривоят

ликдан қийналиб, осмонга қараб нола қилаётган бир итга дуч келибди. Мешдаги сувдан берай деса, манзилига етолмайди. Чунки қудуқлар анча орқада қолиб кетган, олдинда қудуқ борми ёки йўқлигини эса билмайди. Сув бермай деса, итга ачинмоқда. Мусофир мешдаги сувдан қавушида берибди-да, ҳажга насиб қилганда келаман деб орқасига қайтишни хаёл қилибди. Бир вақт не кўз билан кўрсинки, бояги ит кенг саҳрода кўздан ғойиб бўлибди. Мусофир бу воқеадан ғоят ҳайратланибди, лекин жониворга сув берганидан, виждонига зид иш қилмаганидан мамнун бўлиб, уйига омон-эсон келибди-ю, яна бир қутилмаган ҳолатни бошдан кечирибди. Оила

кетса, бажарилган ҳаж амали қабул бўлмаслигини, яъни бир итга раҳми келмаган инсон қандай қилиб мўътабар хожи номига сазовор бўлиши мумкинлигини ва Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварани Аллоҳ бир фариштанининг суратига киргазиб зиёрат қилдирганини тушунтирибди.

Онам Тўхтаҳон хожи Абдуқодир қизидан болалигимда эшитган, оғиздан оғизга ўтган бу ривоят қанчалар ҳақиқат эканлиги ёлғиз ўзига аён. Лекин муҳими шуки, сувсиз қолган ит у ёқда турсин, чуқмолига ҳам озор бериш, жониворга нисбатан бераҳмлиқ исломда гуноҳ саналиши барчага маълум.

Улуғбек ПЎЛАТОВ



ОИТС Т АСР ВА БОС И

Дунёда учун сало-ортиқ бойлик

Ўзбекистон ҳокимитаси ҳамда Ноташкилотлар миллий ассо-«Ўзбекистонда 2007 — 2011-йилларда ОИТС инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган стратегик дастурни амалга оширишда ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича жамоат ташкилотларининг роли» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ана шу жиҳатга эътибор қаратилди. Бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда ОИТС айрим оилалар, ҳатто мамлакатлар учун оғир оқибатга олиб келувчи ижтимоий ва иқтисодий таназзул сифатида қайд этилаётгани, бу иллатга қарши кураш борасидаги тарғибот самарадорлигини ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Маълумотларга қараганда, буғунги кунда дунё бўйича ОИТС билан касалланганлар сони 40,3 млн. кишига етган. Албатта, бу рақам одамни сескантириб юборади ва ҳали инсонлар соғлиқнинг қадрига етиш йўлида кўп маълумотларга эга бўлиши лозимлигидан дарак беради.

Айни пайтда мамлакатимизда «ОИТС касаллигининг олдини олиш тўғрисида»ги қонуннинг бажарилиши, 1 декабрда Улумжаҳон ОИТСга қарши кураш кунини ўтказиш юзасидан иш олиб боришмоқда.

инсон матлиқдан йўқ, тин-қизлар давлат нотижорат циацияси томонидан

Нурилло НЎМОНОВ, ЎЗДСИ талабаси

Тош остидаги сир

Қадим замонларда бир ҳукмдор халқнинг оғирини энгил қилиб катта ва текис йўл қурдирди. Йўл битиши арафасида катта сайил уюштирди ва жарчиларга шундай эълон қилдирди:

— Ким мана шу йўлдан юриб, ҳукмдорнинг олдида ўтиб, энг чиройли йўловчи деб топилса уни мукофот кутади!

Мамлакатнинг барча одами ўша кунни айтилган жойга келди. Айтилган йўлдан ўтди: кимдир чиройли юриш билан, кимдир чиройли кийим билан. Бировлар чиройли таомлар пишириб, қўлларида кўтариб ўтган бўлса, яна баъзилар кучи-

ни намоиш қилиб югуриб ўтди. Ниҳоят ҳамма ўтиб бўлиб, ҳукмдор турган майдоннинг қаршисига тўпланди. Ҳукмдор халққа юзланиб деди:

— Хўш, янги йўл қандай экан?

Ҳамма уни мақтади ва битта жойда катта тош қолиб кеганини, шу ерда ўтишда қийналганларини айтишди.

Шу маҳал уст-боши чанг, ҳориб-чарчаб майдонга бир йигит кириб келди. Уни кўриб ҳукмдор ҳузурга чақиртирди.

— Сен уст-бошинг чанг бўлиб нима қилиб юрибсан?

— Ҳукмдорим, мен кета-туриб йўл устида катта тош-

га дуч келдим. Шунини олиб ташлай деб уриниб кечга қолдим. Тошни олгандим, остидан бир хум тилла танга чиқди. Ҳойнаҳой, сизга тегишли бўлса керак.

— Менга тегишли эмас. Улар сеники, — деди ҳукмдор.

— Аммо меники эмас улар.

— Энди сеники. Мен энг чиройли йўловчини танламоқчи эдим. Одамларнинг оғирини энгил қиладиган, халққа эзгулик улашадиган ўша йўловчи сенсан... Топган тангаларинг эса сенинг мукофотинг, — деди ҳукмдор ҳаммага эшиттириб.

Х.МАҲАМОВА тайёрлади

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №

Фамилиянгиз _____

Исмингиз _____

Отангизнинг исми _____

Туғилган йилингиз _____

Манзилингиз _____

Иш(ўқиш) жойингиз _____

Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз? _____

БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Россия, Озарбойжон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган ёш чарм кўлқоп усталари ҳам голиблик учун рингга чиқди.

Спортчиларимиз Паҳлавон Ҳожиёв, Бобур Айтбоев, Бобуржон Бобожонов, Аҳмад Мамажонов, Сардор Бегалиев ва Фарҳод Исломов ўз вазн тоифасида олтин медалларни кўлга киритди.

Шунингдек, ҳамюртларимиз Юсуф ва Аҳмад Ҳасанов мусобақанинг кумуш медали билан тақдирланган бўлса, Рўзибой Фармонов, Ургут Ҳожибоев, Шерзод Искандаров, Авазбек Обиджонов, Рустам Ҳамдамов, Даврон Абдурахимов ва Фирдавс Собиров бронза медал билан кифояланди.

ДЕНИСНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

«Тошкент челленжер-2008» халқаро турнирида дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган ракетка усталари голиблик учун баҳс юритишмоқда.

19 октябрга қадар давом этадиган беллашувларнинг иккинчи давра ўйинларида қозоғистонлик Алексей Кедрюкни 7:5, 6:3 ҳисобида доғда қолдирган ҳамюртимиз Денис Истомин навбатдаги яқкалик баҳсида германиялик Даниэл Брандс қаршиликига дуч келди.

Республика Олимпия захиралари теннис мактабида ўтаётган мусобақаларнинг ушбу учрашувида юртдошимиз рақибидан тажриба ва маҳорат



бобида устун эканлигини исботлаб, 6:2, 7:6 ҳисобида ғалаба қозонди.

Энди Д.Истомин ярим финал масаласини ҳал этиш учун германиялик яна бир теннисчи Денис Гремелмайрга қарши кортга чиқади.

ЯПОНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН 1:1

15 октябр. Биз бу ўйинни интизорлик билан кутдик. Чунки кетма-кет очко йўқотган вакилларимиздан фақат ғалаба талаб қилинарди. Ниҳоят ўйин бошланди. Баҳсни вакилларимиз ҳужум билан бошлашди. Томонлар биринчи бўлимдаёқ шиддаткор ўйин намойиш этишди. Уйин тактикасида эса терма жамоа бош мураббийи Миржалол Қосимовнинг ўзгача усулни қўллагани ўз самарасини берди. Жамоамиз ўйинчиси Максим Шацких рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олди ва ҳисобнинг 1:0 бўлишини таъминлади.

Шундан сўнг рақибларимиз ҳам ҳужумга зўр беришди ва биринчи бўлим охирида ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди.

Иккинчи бўлим ҳам шиддаткор руҳда давом этди. Рақиб дарвоза олдида бир неча бор хавфли вазиятларни вужудга келтирган вакиллари-

мизга бир оз омад етишмади, холос. Ўрни келганда терма жамоамиз дарвозабони Игнатий Нестеревнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг ўз вазифасини аъло даражада уддалаши жамоани бир неча муқаррар голлардан асраб қолди. Уйин дуранг натижа билан якунланди.

ЎРИНБОСАРЛАР: ШҮРТАН — БУНЁДКОР 2:3

Бунёдкор ўринбосарлари Ғузорнинг «Шўртан» жамоасига қарши 21-турнинг қолдирилган учрашуви сафарда ўтказишиб, 3:2 ҳисобидаги қийин ғалабага эришдилар.

Ёш «қалдирғочлар»нинг голларига Баҳодир Пардаев, Санжар Тўрақулов ва Бахшилло Тўраевлар муаллифлик қилишди.



Ушбу ғалабадан сўнг, «Бунёдкор» ўринбосарлари очколари сонини 46 тага, етказишган ҳолда турнир жадвалининг 3-поғонасига кўтарилиб олишди.



Вакилларимиз Европа майдонларида ўйнай оладими?..

НОТЎҒРИ ТАРЖИМА

Ўтган ҳафта Россия ва яна бир қанча мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Футбол Федерацияси ОФКда (Осиё Футбол Конфедерацияси) олиб борилаётган ишлардан норози бўлиб, УЕФАга (Европа футбол ассоциациялари Иттифоқи) ўтишни режалаштираётганлиги ҳақида хабар пайдо бўлди. Ушбу хабарга кўра, Ўзбекистон Футбол Федерациясининг мазкур қарорини

21 сентябр куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида УФФ президенти Мираброр Усмоновнинг ўзи эълон қилган эмиш.


Шу йилнинг 21 сентябрида Мираброр Усмонов журналистлар олдида давлат тили бўлган ўзбек тилида сўзга чиққанини инobatга олсак, унинг қуйидаги мулоҳазаларини хорижлик журналистлар нотўғри таржима қилишган кўринади:

«Ўзбекистоннинг УЕФАга ўтиши борасида менга кўплаб саволлар билан муурожаат қилишган. Агар ўзимизда чин дилдан хоҳиш бўлса, бу масалани бор-йўғи маълум дақиқалар ичида ҳал қилишимиз мумкин. Лекин ҳозир бу нарса бизга зарурми? Уйлайманки, йўқ. Европанинг энг заиф жамоаларидан бири бўлиб юргандан кўра, Осиёда юқори ўринларга даъвогарлик қилганимиз маъқул».

МЕССИ АРГЕНТИНА ТЕРМА ЖАМОАСИГА ШОТЛАНДИЯГА ҚАРШИ УЧРАШУВДА ЁРДАМ БЕРА ОЛМАЙДИ

Аргентина футбол ассоциациясининг бош котиби Луис Мейсснерни маълум қилишича, Лионел Месси ноябр ойида Шотландия термасига қарши бўлиб ўтадиган ўртоқлик учрашувида миллий терма жамоага ёрдам бера олмайди. Эслатиб ўтамиз, «Барселона» Мессини Олимпиада ўйинларига қўйиб юбораётган вақтда ҳужумчи мавсум сўнгига қадар аргентиналиклар томонидан ўтказиладиган ўртоқлик учрашувларида иштирок этмайди, деган шартни қўйган эди.

Ўтган ҳафтада Буэнос-Айресда «Барселона» ва Аргентина футбол ассоциацияси раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди ва мазкур қарор тўлиқ тасдиқланди. «Музокаралар жуда энгил кечди. Чунки «Барселона» ва Аргентина терма жамоаси Мессини яхши жисмоний ҳолатда бўлишидан манфаатдор», — деди Мейсснер.




АНРИ «МАНЧЕСТЕР СИТИ»ГА ЎТИШИ ҲАҚИДАГИ МИШ-МИШЛАРНИ РАД ЭТДИ



Франция терма жамоаси ва «Барселона» ҳужумчиси Тьерри Анри сўнгги вақтларда спорт ОАВларида у билан «Манчестер Сити» клуби қизиқаётганлиги ҳақидаги хабарларни рад этди. Ҳужумчи 2007 йилда «Барселона»га Лондоннинг «Арсенал» жамоасидан ўтган эди. Бир қатор нашрларнинг тахминига кўра, франциялик футболчи сўнгги вақтларда уни захира ўринидида қолдираётган «Барса» бош мураббийи Хосеп Гвардиоладан норозидир. — Журналистлар мени «Манчестер Сити»га ўтишим ҳақидаги миш-мишларни тўхтатишлари лозим. Мазкур мавсумда уч ўйинда майдонга тушдим ва икки гол муаллифига айландим. Месси ва Это'О ҳам яқиндагина захира ўриниди аъзолари эди. Мураббий ҳар сафар таркибни алмаштириб, барчага майдонга тушишга имконият бермоқда, — деди Анри.

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ва тармоқ қасаба уюшмалари жамоалари Кенгашнинг бош юридик маслаҳатчиси Людмила Ҳасановага падари бузруквори ТУХТА отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Келинг, бир кулишайлик!

ЎРДАК

Хўжа Насриддин ўрдагини сотиш учун бозорга олиб борди. Бир тўтиқушининг ўн тиллага сотилганини кўриб, ўрдаги учун юз тилла сўради:

— Афанди, ҳеч замонда ўрдак ҳам юз тилла бўлади-ми?

— Албатта, нега кичкина бир қуш ўн тилла бўлади-ю ўрдагим юз тилла бўлмасин, — деди афанди.

— Яхши, лекин тўтиқуш гапирди-да.

— Гапирса нима бўпти? Менинг ўрдагим гапирмайди, лекин ўйлайди.

АПЕНДИЦИТ

Бир одам телефонда:

— Тезроқ келинг дўхтир, хотиним апендицит бўлиб қолди, — деди.

— Бўлиши мумкинмас, биз хотинингизни кечагина операция қилдик, — деди хайрон бўлган шифокор.

— Тўғри, бир одам икки марта апендицит бўлмайди. Лекин бу дегани икки марта уйланмайди, дегани эмас-ку.

БОЛА ҲАҚЛИ

Ўқитувчи иккинчи синф ўқувчисидан сўради:

— Икки қарра икки тўртлигини исбот қил!

Бола ўрнидан турди, атрофига маъносина қараб деди:

— Мен бундай даъво қилмадим-ку.

САБАБИ НИМА?

Бир одам иккинчисига:

— Хотинимга икки кундан буён гапирмаяпман.

— Урушиб қолдингизми?

— Йўқ, сўзини бўлгим келмаяпти.

ДОМЛА

Фақиргина домла ўн танга учун ўлганлар ҳақиға дуо қилиб юраркан. Бир кун бир киши дуо ўқитгани келиб:

— Сиз нега арзимаган пулга дуо қилиб юрасиз? Қаттиқроқ ўқиб, қимматроқ дуо қилсангиз бўлмайдими? — деди.

Домла хафа бўлиб деди:

— Ичимда ўқиётганимни овоз чиқариб айтсам, менга бир чақа ҳам беришмайди-да.

СОТИШНИНГ ЙЎЛИ

Бир одам китоб чиқариб: «Емон хотинларга ўғитлар» деб ном қўйди.

Битта ҳам китоб сотилмади.

Айни шу китобнинг муқовасини алмаштириб: «Гўзаллик сирлари» деб ном қўйган эди, битта ҳам китоб қолмади.

ЭЪТИБОР

Ота синовдан қайтган ўғлидан сўради:

— Имтиҳон қандай бўлди ўғлим?

— Зўр бўлди, менга алоҳида эътибор берилди, шунинг учун сентябрда яна бир бор имтиҳон топширар эканман, — жавоб берди ўғил.

А.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади

Рассом хандаси




— Бош оғриқ дориси деддинг, хотин, мана ярим тун бўлса ҳам топиб келдим.

А.ҲАКИМОВ чизган суратлар

— Қани тезроқ тушақолинглар, заправкага кириб чиқаман.





Мен, қурилишда прораб,
Ғалтак сурувчим араб.
Чарчаб уйга элт десам,
Шағалдек тўқди, ажаб.

**Шухрат ХАЛИЛОВ,
Навий шахри**

Ўқигансиз албатта,
Сиз ҳам «Филоф бандаси»н.
Шундай олар бу шахс,
Оддий куёш ваннасин.

Билмайсиз ёш дўстларим,
Бўлар эди зўр кино.
Мен эдим бош қаҳрамон,
Номим-чи, Буратино.

Хақиқий даҳоларнинг,
Бюсти олинмайди.
Олинса-да — бу тахлит,
Ахлатга солинмайди.

**Асадулло
МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ,
бирлашган қасаба уюш-
малари кўмитасининг
райси**

Киракашлик қиламан,
Арава билан бирга.
Шамолдек мен еламан,
Йўловчи ағанар ерга.

Келдик ака манзилга,
Аравадан тушинг-да.
Тушмасангиз уловни,
Ағдараман мен шунда.

**Азизбек НОРОВ,
Қарши шахри**



Энди навбатдаги суратга
изоҳ топинг-чи?

Юлдузлар жойлашувига кўра, тақдирингиз...

Аждодларимиз ҳар бир иш олдида самовий жисмлар ҳолатини ҳисобга олган. Осиёнинг айрим ҳудудлари, хусусан Хиндистонда бу одат ҳануз мавжуд. Шунинг учунми, бу мамлакатда ажралиш бошқаларга нисбатан камроқ кузатиларкан. Илми хайъат (астрономия) ва илми нўжум (астрология) ўртасидаги боғлиқлик ва фарқлар хусусида, осмон жисмларининг инсон тақдирига таъсири борасидаги илмий хулосаларга оидинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон миллий университети физика факултети астрономия кафедраси доценти Рашид Зиёхоновга юзландик.

— Қадимгилар жуда кузатувчан бўлишган, шу жиҳатдан ҳар бир инсоннинг ўзига яраша биоритми борлигини аниқлашган, — дейди **суҳбатдошимиз**. — Мана шу биоритмларнинг вақтга мос келишини ҳам тушуниб етишган. Вақтни эса осмон жисмларининг ўзаро вазиятларига кўра белгилашган. Масалан, энг биринчи Куёшнинг юлдузларга нисбатан эгаллаган вазиятини олиш мумкин. Григориан календари шунга асосан тузилган. Иккинчидан, Ойнинг юлдузлар ва Куёшга нисбатан тутган мавқеига қараб тузиладиган тақвимлар ёки қамарий тақвимлар. Булар асосан мусулмон давлатларида ишлатилади. Самовий жисмларнинг бир-бирига нисбатан эгаллаган вазияти инсон биоритмларига мос келар экан, бу унинг характери ҳам таъсир қилиши табиий деган хулосага келинган. Мана шу нуқтаи назардан нафақат астрономия, балки астрология ҳам ривожланиб келади. Бундан ташқари, Ойнинг ёки Куёшнинг вазияти ўзгаришига қараб ҳам инсон саломатлиги ўзгариши кузатилиб туради.

— **Самовий жисмлар ва инсон саломатлиги ўртасидаги бундай боғлиқликни қандай тушунтириш мумкин?**
— Куёшнинг доғлари борлигидан яхши хабардоримиз. Улар фаоллашган вақтда кишилар саломатлигига озми-кўпми таъсир ўткази бошлайди. Ҳозирги тушунчалар билан ифода қилинган бўлса, магнит буронлари, босим пасайиши ва ҳоказо. Куёш доғларининг ўзгариши билан боғлиқ бундай ҳодисаларни кузатиш натижасида аста-секинлик билан «ёлғондакам фан» деб юритилувчи астрология вужудга келган. Иккинчи томондан олиб қарайдиган бўлсак, астрономиянинг фан сифатида шаклланишида астрология муҳим туртки бўлган. Қолаверса, Ўрта Осиё халқларида осмон жисмларининг ҳолатига қараб табиий ёрдам кўрсатиш ва бошқа аъёнлар вужудга келган.

— **Бугунги кунда бевосита астрологиянинг маҳсули бўлган башоратларга кўпчилик қаттиқ ишонади. Олим сифатида бу ҳолатга қандай изоҳ берасиз?**
— Инсон руҳияти шундайки, ўзи ихтиёр этган нарсани (яъни амалга ошишини истайдиганини) тезда қабул қилиб олади. Аслида эса эҳтимоллар назариясига кўра бу ҳолатлар бўлиши ҳам мумкин, бўлмастлиги ҳам. Масалан, эрталаб кўчага чиқдингиз, ишга ёки ўқишга боришингиз керак. Бекатга етиб келганингизда автобус кетиб қолди ва сиз навбатдагисини кутиб анча вақтингизни йўқотдингиз. Эртасига эса чиқишингиз билан бўм-бўш автобус келди-ю, сиз эмин-эркин манзилингизга етиб олдингиз. Бу ҳодисаларга муносабат билдиришда руҳий ҳолатингиз муҳим рол ўйнайди. Каифиятингиз тушун бўлса, ҳар доим чиқи-

шим билан автобус кетиб қолади, мен омадсизман дея нолийсиз. Агар руҳий ҳолатингиз яхши бўлса, мен омадлиман, ҳар доим автобусим вақтида келади, ҳамма ишларимни ўз вақтида қила оламан дейсиз. Бу ҳолатларни фойдалайдиган бўлсак, уларнинг эҳтимоли эллик фоиз. Фақатгина кайфиятимизга қараб уларни бўрттириб эса сақлаб қоламиз. Астрология ривожини ҳам кишилардаги мана шу тасаввур таъминлаб келади.

Ишониш-ишонмаслик масаласига келадиган бўлсак, бу ҳақда қатъий фикр

Хитойда буржлардан ташқари уларни йилларга мослаштириб олишда ва 12 ном ёнига сув, ер, олов, металл, ёғоч каби бешта унсурни ҳам қўшилади. Натижада уларда 60 йиллик цикл ҳосил бўлади. Хитойлар 1940-йилларга қадар бу циклдан фойдаланишган. Мунажжимлар башоратларида бу циклга ҳануз амал қилиб келинади.

Бундан ташқари, мучал деган тушунча ҳам бор. Бунда ҳар бир йилга ном бериш назарда тутилади. Мусулмон давлатларида олтига ҳаром, олтига ҳалол ҳайвоннинг номини бериш орқали мучал цикли яратилган. Мучалларнинг инсон характери таъсири масаласида ҳам юқоридаги фикрни айтиш мумкин. Инсон ўзига маъқулини қабул қилиши, маъқул бўлмаганини рад этиши мумкин. Айримлар мен йўлбарс ёки илон мучалида туғилганман, характеримда ҳам уларга хосликлар кўп дейиши мумкин. Биринчи навбатда эътиборга олишимиз керакки, бу ҳолат руҳий таъсирнинг натижаси бўлиши ҳам мумкин. Чунки ҳамма ўз мучалидаги салбий эмас, ижобий жиҳатларни таъкидлайди ва ўзини шунга тайёрлаб боради (бирор кишининг мен сичқондек кемирувчиман, товукдек бефаросатман деганини эшитганмисиз?).

— **Башоратларга ўзингиз ишонасизми? Умуман, уларга муносабатингиз қандай?**

— Ишонмайман, лекин айрим пайларда қўлимга тушиб қолса ўқийман. Сайёралар ҳаракати бўйича учта оламшумул қонуни кашф этган Кеплернинг шундай гапи бор: «Астрономия — астрономиянинг ўғай қизи, бироқ у онасини боқиб мажбур. Акс ҳолда онаси очликдан ўлиб қолиши ҳеч гап эмас». Яъни ўтмишдаги олимларнинг кўпчилиги турли башоратлар билан шугулланишга мажбур бўлишган, бу машғулот орқали топилган маблағ илми ривожлантириш йўлида сарфланган, қолаверса олимнинг тирикчилик манбаи бўлган. Бу далил Кеплер ҳаётига ҳам дахлдор, чунки турли урушлар оқибатида қироллик газнаси бўшаб қолади ва олимга маош тўланмай қўйган. Кеплер арзимас пул эвазига «башоратчи»лик билан шугулланишга мажбур бўлади.

Ўзим ҳам бевосита илмий излашлар натижасида осмон жисмларида бўлажак ўзгаришларга эътибор қилиб, яқин танишларимга яқинда бундай ёки бундай бўлиши мумкин тарзида «башорат» қилгандек бўламан. Аслида эса бу илмий далилларга таянган хулосалар эса-да, бошқаларга башоратдек туюлади.

**«Ishonch» муҳбири
Дилдора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди**



(20-26 октябрь)

КУИ
Шу ҳафтада юқори маошли лавозим эгаси бўлишингиз кутилмоқда. Иш жойингизда меҳнатингизга яраша рағбат olasiz. Ҳафтанинг иккинчи ярмида пластик операциялар ва табиий муолажалар ўтказишни режалаштирманг. Янги иш бошлашдан олдин атрофдагилар билан маслаҳатлашинг.

БУЗОК
Ҳафтанинг биринчи ярми хизмат сафарларига чиқиш, дўстлар ва яқинларингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда жуда унумли келади. Турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз билан дам олишга тоғ ёнбағрига чиқсангиз кайфиятингиз кўтарилади, руҳан тетиклашасиз. Спорт билан шугулланг.

ЭГИЗАКЛАР
Пул ўтказмаларини амалга ошириш, катта маблағ билан боғлиқ шартномалар тузишда эҳтиёткор бўлинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстларингиз билан майда гап-сўз оралашинг, тузган режаларингиз ижрозга учраши мумкин. Дам олиш кунларини оилангиз даврасида ўтказинг.

ҚИСҚИЧБАКА
Сизда янги режа, гоё ва қизиқишлар пайдо бўлади. Дўстларингиз давраси янада кенгайди. Муҳаббат ботида омад сизга қулиб боқади. Совғалар olasiz. Тижорат ишларини қонун доирасида олиб бориң.

АРСЛОН
Соғлигингизга эътибор бериң. Узоқ сафарларга чиқиш сизни толқитириб қўйиши мумкин. Ташқи кўринишингизга эътибор бериң. Таваққал ишлардан сақланг. Янги уйга кўчиб ўтишни ҳафтанинг дам олиш кунларига қолдирган маъқул.

ПАРИЗОД
Чет элга саёҳат нафақат дунёқарашингизни кенгайтириши, балки тил ўрганишда ҳам ёрдам бериши мумкин. Ҳамкорлар билан бошланган тижорат ишларида маъсулиятни ўз қўлингизга олинг. Олов, электр жиҳозлари билан ишлашда тежамкор бўлинг. Фарзандларингиз соғлигига эътибор бериң.

ТАРОЗИ
Оиладаги арзиманган гап-сўзлардан жанжал кўтарманг. Ҳафта романтик учрашувларга бой бўлади. Тезкор ва кутилмаган қарорлар қабул қилишингиз олдингизга қўйган мақсадга эришишингиз гаровидир. Янги дўстлар орттирасиз.

ЧАЕН
Дўст ва яқинларингиз билан ҳушмуомала бўлинг. Акс ҳолда эҳдиётлар юзага келиши мумкин. Бу ҳафта харид учун жуда қулай бўлиб, натижада ташқи қиёфанингиз янада гўзаллашади. Фарзандларингизга ёқадиган совғалар харид қилиң.

УҚОТЛАР
Иш жойида хизмат пиллаояларидан кўтарилиш имкони пайдо бўлади. Ўта ишонувчанлик ҳам панд бериши мумкин. Шунинг учун атрофдагилар билан муносабатда эҳтиёткор ва жиддий бўлинг. Бундан ташқари табиат қўйида дам олиш фойдасидан холи бўлмайди. Дўстларингиз даврасини кенгайтириң.

ТОҒ ЭЧКИСИ
Бу ҳафта асосан шахсий масалаларни ҳал қиласиз. Яқинларингиз билан баҳс-мунозараларни кейинга қолдиринг. Кўчмас мулк билан боғлиқ масалалар билан шугулланишни кейинга ҳафтага қолдиринг. Ортиқча асабийлашиш келажақдаги режаларни барбод қилиши мумкин.

КОВГА
Ҳамкасблар билан муносабатлар ижобий томонга ўзгаради. Хизмат сафари ёки саёҳатингиз бироз орқага суриң. Чунки режалаштирган ишнингизни бажаролмай қоласиз. Ҳар доим ҳам бир ўқ билан икки қўлни олиб бўлмастлигини унутманг. Йул ҳаракати қўйдаларига риоя қилиң.

БАЛИК
Ёқимли учрашувлар бўлиши кутилмоқда. Иқод аҳли учун ҳафта барақали бўлади. Спорт мусобақаларида иштирок этишингиз мумкин. Пулни сарфлашда тежамкор бўлинг. Бирозга қарз бериш ёки йирик харидлар қилишни маслаҳат бермайман. Акс ҳолда иқтисодий жиҳатдан муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Ishonch	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнгиноқ қилиң: Котибат: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж. Шарофбоев Навбатчи - А. Абдуллаев Мусаххих - Н. Маҳамов
	МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси	Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулв Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан руйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва сифталанди. Offset усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.	«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»-дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ① белгиси остида чоп этилади.
		E-mail: ishonch-doverte@mail.ru			Буюртма Г— 914 Тиражи: 10671
					Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.00
					Сотувда эркин нархда 2 3 4 5 6 7 8